

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

49-50-сон  
(1121-1122)  
2023 йил  
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

499. «Қишлоқ ҳўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги ПФ-205-сон Фармони
500. «Қашқадарё вилоятини 2024-2025 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 декабрдаги ПҚ-389-сон қарори
501. «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ-391-сон қарори

**Бешинчи бўлим**

502. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 10 ноябрдаги 18-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3479*)
503. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги 602-сон «Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўнкимлари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигига етиштирилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3480*)
504. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги 601-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги ўёрикномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481*)
505. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 23 ноябрдаги МХ-16, 01/24-09-305 ва 88-сон «Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-3*)
506. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 13 ноябрдаги 84-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги ўёрикномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-9*)
507. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 7 декабрдаги 21-мҳ-сон «Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш

тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3482*)

508. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдағи 503-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-7*)
509. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 4 ноябрдаги 82-сон «Кадастр йифмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3483*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **499 Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш, пахта-тўқимачилик кластерлари (кейинги ўринларда — кластер) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ўртасидаги муносабатларни бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, тармоқда соғлом рақобат мухитини шакллантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2024 йил ҳосилидан бошлаб:

пахта хом ашёсини етиштирувчи хўжаликлар (кейинги ўринларда — етиштирувчилар) ва кластерлар ўртасида пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномалари тупроқ ҳосилдорлиги нормативлари доирасида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг «пахта хом ашёси секцияси»да (кейинги ўринларда — биржа) ҳар бир ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси ёки тегишли вилоят) бўйича алоҳида ўтказиладиган савдолар натижаларига қўра тузилади;

фьючерс шартномасига мувофиқ етказиб берилиши лозим бўлган ҳажмдан ортиқча етиштирилган, шунингдек, кластер билан фьючерс шартномаси тузмаган ҳолда, ўз маблағлари, шу жумладан жалб қилинган маблағлари ва тижорат кредитлари хисобига етиштирилган пахта хом ашёси етиштирувчилар томонидан биржа орқали тадбиркорлик субъектларига сотилади ёки (ва) қайта ишланади. Бунда:

фьючерс шартномаси бўйича ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси фьючерс шартномаси тузилган кластерга тўғридан-тўғри сотилиши мумкин;

пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта толаси ва иккиласми маҳсулотлар (чигит, линт ва ўлик пахта) тўлиқ ҳажмда биржа орқали сотилади.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тартиб етиштирувчилар томонидан сотиладиган уруғлик пахта хом ашёси учун татбиқ этилмайди.

2. Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан ер ижараси, фьючерс ва кредит шартномаларида назарда тутилган мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жавоб бериши белгилансин.

Бунда, фермер хўжалигининг бошлиғига фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонунчиликка мувофиқ субсидиар жавобгарлик юқлатилганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда пахта хом ашёсини биржа савдолари орқали сотиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Кишлөқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда бир ой муддатда барча етиштирувчилар учун биржада иштирок этиш тартиби юзасидан ўкув семинар ташкил этиш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш бўйича амалий чораларни кўрсинг.

4. Пахта ҳосилини сотиб олиш ва сотиш бўйича янги тизимнинг шаффо-флигини, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда пахта хом ашёсини етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш бўйича республика штаби 1-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қўйидагилар Республика штабининг (Ж. Қўчқоров) асосий вазифалари этиб белгилансин:

пахта хом ашёсини етиштириш, сақлаш, реализация қилиш ва пахта хом ашёси етиштирилишини молиялаштириш устидан назорат механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

пахта хом ашёси, пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотлар (чигит, линт ва ўлик пахта)ни биржа савдоларига чиқариш ишларини ташкил этиш;

пахта хом ашёси, пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотлар (чигит, линт ва ўлик пахта)ни биржа савдоларига чиқариш ҳамда тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш;

пахта хом ашёси, пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотлар (чигит, линт ва ўлик пахта)ни сотиб олиш ва сотиш бўйича янги тизимнинг шаффо-флигини, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда пахта хом ашёсини етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш.

5. 2024 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёсини етиштириш, пахта йиғим-терими ва харидини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит ресурслари хисобидан молиялаштиришнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

а) фьючерс шартномаси тузган етиштирувчи ва уруғчилик субъектларига ҳар йили 1 октябрдан бошлаб, пахта хом ашёси етиштириш учун — пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача йиллик 10 фоизда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) 14 ойга, шу жумладан 12 ойлик имтиёзли давр билан кредит ажратилади;

б) кластерларга:

пахта хом ашёси хариди бўйича яқуний хисоб-китоб учун пахта хом ашёси қийматининг 80 фоизигача йиллик 10 фоизда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) 10 ойга, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр ва охирги 4 ой давомида teng улушларда қайтариш шарти билан;

ижара ҳуқуки мавжуд бўлган ер участкасида пахта хом ашёси етиштириш учун — пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача йиллик 10 фоизда

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(шундан, банк маржаси 2 фоиз) 24 ойга, шу жумладан 18 ойлик имтиёзли давр ва охирги 6 ой давомида тенг улушларда қайтариш шарти билан;

ижара ҳуқуқи мавжуд бўлган ер участкасида етишириладиган пахта хом ашёсининг йиғим-терими учун — пахта хом ашёси кийматининг 20 фоизига-ча йиллик 10 фоизда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) 12 ойга, шу жумладан 3 ойлик имтиёзли давр ва охирги 9 ой давомида тенг улушларда қайтариш шарти билан кредит ажратилади;

в) фьючерс шартномасига асосан етиширувчилардан қабул қилинган пахта хом ашёси учун тўловларнинг 80 фоизи пахта хом ашёси қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, қолган қисми молия йилининг 31 декабрь кунига қадар амалга оширилади;

г) ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан агротехник тадбирлар доирасида товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан моддий ресурслар етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар етиширувчилар томонидан ихтиёрий танланади (бундан уруғлик чигит мустасно);

д) етиширувчилар, кластерлар ва уруғчилик субъектлари кредит буюртмаларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Агроплатформа» ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этади.

6. Кластерларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши учун қўйидаги талаблар ва янгиланган тартиб жорий этилсин:

а) талабгор:

тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (ип калаваси, трикотаж мато, газлама, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бўяш) кувватларининг камида иккита босқичини йўлга қўйган бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилмаган ва «ёмон» кредит тарихига эга бўлмаган ҳамда мурожаат санасида кредит (лизинг, банк кафолати, аккредитив) ва соликлардан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган бўлиши шарт;

б) кластерлар фаолияти қишлоқ хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан ташкил этилади;

в) кластер фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган талабгорлар очик ва шаффоғ онлайн танлов асосида танлаб олинади;

г) Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилади;

д) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ёки вилоят ҳокимлклари билан талабгор ўртасида кластер фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида уч томонлама битим тузилади;

е) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кластерлар реестрини юритади ва ушбу реестрни ўзининг расмий веб-сайтида доимий равища да эълон қилиб боради;

ж) 2024 йил ҳосили учун фьючерс шартномалари тузишда мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган қоидалар, истиносно тариқасида, амалда фаолият юритаётган кластерларга татбиқ этилмайди.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

бир ҳафта муддатда кластерлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини тасдиқласин;

«Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бўйича кластерларнинг автоматлаштирилган рейтингини юритиш дастурини яратсин.

8. Белгилансинки:

кластерлар ва бошқа тўқимачилик корхоналари томонидан пахта хом ашёси тўлиқ электрон тарози орқали қабул қилинади ҳамда ишлаб чиқарилган пахта толасини автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизими жорий қилинади;

пахта хом ашёси уни йиғиш, ташиб, куришиб, сақлаш ва бирламчи қайта ишлашга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ҳамда электрон тарози ва техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган синов лабораторияси билан жиҳозланган омборларда сақланиши шарт;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, пахта, техник чигит ва қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш органларида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ҳамда метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан бир йилда бир марта Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан давлат назорати амалга оширилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 майга қадар 2024 йил пахта ҳосилидан бошлаб электрон тарози орқали қабул қилинган пахта хом ашёси ва ишлаб чиқарилган пахта толасини автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизимини жорий қилсан ву уни «Агроплатформа» ахборот тизимига интеграция қилсан.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, кластерлар ва бошқа тўқимачилик корхоналари томонидан харид қилинган пахта хом ашёси ўзларининг белгиланган тартибда техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган лабораториясида ёки шу талабларга жавоб берадиган бошқа лабораторияларда таҳлил қилиниб қабул қилинади.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси билан биргаликда 2024 йил 1 январдан бошлаб:

кластерларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш;

кластерларга нуфузли халқаро аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда улар фаолияти самарадорлиги ва молиявий кўрсаткичларини мустақил ташқи аудитдан ўтказиш чораларини кўрсин.

11. Фермер хўжаликларининг кластерлар олдидаги мавжуд қарздорликларини ундириш бўйича Ҳисоб палатаси бошчилигига Давлат молиявий назорати инспекцияси, Бош прокуратура, тижорат банклари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгалари кенгаши (бухгалтерия марказлари) вакилларидан иборат ишчи гурух тузилсин.

Ишчи гурух (М. Абдуллаев):

кластерлардан қарздор бўлган фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртасида тузиладиган солиштириш далолатномалари ҳамда суд қарорлари асосида ундирилган маблағлар кластерларнинг Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси олдидаги қарздорлигини қоплашга йўналтирилишини таъминласин;

фермер хўжаликларига сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун аввал ажратилган кредитлар таъминоти сифатида қабул қилинган кластерларнинг кафиллигини фермер хўжаликларининг ликвидли мол-мулк гарови билан алмаштиришга кўмаклашсан.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Агробанк» АТБ билан биргаликда бир ҳафта муддатда пахта хом ашёсини етиширишни молиялаштириш учун фермер хўжаликлари кредит ажратиш тизими жорий этилаётганлиги муносабати билан пахта хом ашёсини етиширишни молиялаштиришга «Агробанк» АТБ билан бир қаторда бошқа давлат улуши устун келадиган тижорат банкларини жалб қилиш юзасидан таклиф киритсан.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги оиласи тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш учун «Агробанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган 745 миллиард сўм ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилган 1,9 триллион сўм, жами 2,6 триллион сўм маблағларни ушбу банкнинг устав капиталини оширишга йўналтирисин.

«Агробанк» АТБнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсан:

оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлардан 2024 йилда қайтган маблағларни сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш;

ички ва ташқи манбалардан жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, хусусан фермер хўжаликлари ҳамда маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган кластерлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришни жадаллаштириш.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, кластерларга қабул қилиб олинган пахта ҳосили учун электрон ҳисобварак-фактурада қўрсастилган қўшилган қиймат солиги суммасини кластерлар томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига (фермер хўжаликлари) пахта ҳосили учун тўланган тўловга мутаносиб микдорда ҳисобга олишга руҳсат этилади.

Бунда, кластерларда қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер хўжаликлари) томонидан етиширилган пахта хом ашёсини шартномада белгиланган нархларда сотиб олиш ва ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган якуний ҳисоб-китобнинг 20 фоизини молия йилининг 31 декабрига қадар амалга ошириш мажбурияти сақлаб қолинади.

15. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 январдан бошлаб, пахта хом ашёси етиширувчиларни моддий ресурслар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, товар-хом ашё биржаларида 0,2 ва 0,5 тонналик кичик лотларда минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларининг доимий савдоларга барча худудлар бўйича қўйилишини таъминласин.

16. Савдо-саноат палатаси ва унинг худудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари бўйича ўtkазиладиган биржа савдоларида иштирок этишига кўмаклашсин.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда масъул идоралар вакиллари билан биргаликда 2024 йил 1 августга қадар пахта хом ашёсини тўлиқ ўз маблағлари, шу жумладан тижорат кредитлари ҳисобига етиширган фермер хўжаликлари ва кластерларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ушбу давлатларга бориб ўргангандек ҳолда таклиф киритсан.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиш тавсия этилсин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик хужжатларига мазкур Фармондан кебиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Мажкамасига таклифлар киритсан.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Буш вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазари Ж.А. Қўчқоров ҳамда қишлоқ хўжалиги вазари И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Буш вазари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 декабрь,  
ПФ-205-сон

\* 2-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**500 Қашқадарё вилоятини 2024-2025 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Қашқадарё вилоятининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, худудда мұхандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш, шу асосда ахоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар Қашқадарё вилоятини 2024-2025 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

биринчидан, вилоятда 2024-2025 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми тегишлича — 5,8 фоизга ва 6 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 8 фоизга ва 8,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми — 4,5 фоизга ва 5 фоизга, бозор хизматлари ҳажми — 14 фоизга ва 15 фоизга ўсишини таъминлаш;

иккинчидан, 2024 йилда 550 минг ва 2025 йилда 600 минг нафар ахолининг бандлигини таъминлаш;

учинчидан, 2024 йилда республика бюджетидан 100 миллиард сўм ажратиш ҳисобига 90 километр, 2024 — 2026 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар маблағлари, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 316 километр, жами 406 километр каналларни бетонлаштириш. Шунингдек:

2024 — 2030 йилларда 11 минг километрдан зиёд тупроқ ўзанли хўжаликлараро ирригация тармоқларини тўлиқ бетонлаштириш ёки уларни лоток тизимлари ва ёпик қувурларга ўтказиш;

2024-2025 йилларда вилоятдаги сугориладиган ер майдонларини лазерли текислаш ва бунинг натижасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирища унумдорликни 20 фоизга ошириш;

тўртинчидан, 2024 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 220 миллиард сўм ажратиш ҳамда 2024 — 2026 йилларда халқаро молия ташкилотларидан 122,5 миллион АҚШ долларини жалб қилиш ҳисобига жами 364 километр, шундан 189 километр умумий фойдаланишдаги ва 175 километр ички автомобиль ўйларини таъмирлаш;

бешинчидан, 2024 йилда республика бюджетидан 52 миллиард сўм ажратиш ҳамда халқаро молия ташкилотларидан 31 миллион АҚШ долларини жалб қилиш ҳисобига жами 321 километр ичимлик сув тармоқлари ва

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 декабрда эълон қилинган.

18 та сув иншоотини қуриш орқали ичимлик сув таъминоти қамровини 73,6 фоизга етказиш;

олтинчидан, 2024 йилни Қашқадарё вилоятида «Мактаб таълимни ва тиббиёт йили» деб эълон қилиш ҳамда бу борада зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бунда, 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 390 миллиард сўм ажратиш ҳисобига 64 та умумтаълим мактабида қурилиш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

еттинчидан, туризм йўналишида режалаштирилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун вилоятга 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағларини жалб қилиш ҳисобига 4 миллион нафар маҳаллий ҳамда 500 минг нафар хорижий турист ташкил қилиш.

Бунда, 2024 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 50 миллион АҚШ доллари ҳамда 2024-2025 йилларда жами 500 миллион АҚШ доллари эквивалентида марказлашган ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

## 2. Қўйидагилар:

Қашқадарё вилоятида 2024-2025 йилларда ахоли бандлигини таъминлашнинг режа кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятидаги норуда фойдалари қазилма конлари жойлашган ер майдонларига бўлган ҳуқуқларни аукцион савдоларига чиқариш графиги 2-иловага\* мувофиқ;

2024-2025 йилларда Қашқадарё вилоятидаги сувориладиган ер майдонларини лазерли текислашнинг режа кўрсаткичлари 3-иловага\* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятини 2024-2025 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш юзасидан республика ишчи гурухи таркиби 4-иловага\* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятининг туманларига (шаҳарларига) бириткирилган вазирлик, идора ва тијорат банклари раҳбар ходимлари рўйхати 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг худудий тузилмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хузурида 10 та штат бирлигидан иборат Саноатни ривожлантириш лойиҳаофисини (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

## Лойиҳа офисига қўйидаги асосий вазифалар юклансин:

саноат соҳасида фойдаланилмаётган захираларни аниқлаш ва уларни сафарбар этишни назарда тутувчи Саноатнинг жадал ривожланиши концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда вилоятнинг ҳар бир туманини (шаҳарини) ўзаро узвий холда ривожлантириш орқали вилоятни республикада саноати ривожланган худудга айлантириш;

\* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

замонавий конструкторлик ва тажриба бюроларига эга бўлган «Илдам ривожланувчи инновацион саноат зоналари»ни барпо этиш ҳамда инновацион ва юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги мазкур тадбирларни амалга ошириш учун бир ой муддатда зарур тажрибага эга бўлган нуфузли ҳалқаро консалтинг компаниясини жалб қилсан.

Бунда, ҳалқаро консалтинг компаниясига «Илдам ривожланувчи инновацион саноат зонаси»ни ташкил этиш концепциясини ёки мастер-режасини инвесторларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиши вазифаси юклансин.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчкоров ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан 10 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

4. Лойиҳа офиси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳалқаро консалтинг компанияси билан биргаликда:

биринчи босқичда, хомашё ва меҳнат ресурслари, атрофдаги ҳудудларда жойлашган йирик саноат корхоналари ва саноат зоналари билан кооперация алоқаларини ривожлантириш имкониятлари ҳамда бошқа омиллардан келиб чиқиб, белгиланган ҳудудлар доирасида ишлаб чиқариш корхоналарининг мақбул жойлашувини белгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсан;

«яшил», инновацион ва рақамли технологияларга ҳамда юқори қўшилган қиймат яратишга асосланган товарларнинг истиқболдаги бозор конъюнктураси асосида ишлаб чиқариш йўналишлари ва маҳсулот турлари бўйича таклифларни шакллантирсан;

иккинчи босқичда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигини жалб қилган ҳолда ҳудудларнинг ривожланишига туртки берувчи, илфор илмий ишланмалар ва инновацион технологияларга асосланган юқори қўшилган қиймат яратувчи салоҳиятли инвестиция лойиҳа таклифлари рўйхатини шакллантирсан;

инвестиция лойиҳаларининг мақбул жойлашувини таъминлашни инобатга олган ҳолда ер майдонларини алоҳида ва йирик лотларга ажратиш орқали мулк ва ижара ҳуқуқи асосида очик аукцион савдоларига чиқариш бўйича таклифлар тайёрласин;

инвесторлар орасида қизиқиши кучайтириш мақсадида ҳар бир ҳудудга таниқли хорижий компанияларни (брэндларни) жалб қилиш чораларини кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқсан;

якуний босқичда келгуси 5 йилда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 2 баробарга ошириш, 2024-2025 йилларда камида 400 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 30 та йирик (асосий фармацевтика маҳсулотлари, электротехника маҳсулотлари) ва катта (кимё маҳсулотлари, электр ускуналари) бизнес лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини 3-4 баробарга оширишнинг иқтисодий асосларини тайёрлаган ҳолда мазкур тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

Бунда, вилоят саноати, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар учта босқичда, хусусан биринчи босқич олти ой

муддатгача, иккинчи босқич бир йилгача ҳамда якуний босқич икки йилгача бўлган даврда амалга оширилади.

5. Сув хўжалиги вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Қашқадарё вилоятидаги сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги 406 километр суғориш тармоқларини манзилли дастур асосида босқичма-босқич бетонлаштириш ишларини назарда тутувчи тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, суғориш тармоқларини бетонлаштириш ишларининг молиялаштириш манбаи этиб, 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасидаги маблағлар ҳамда Хитой Халқ Республикасининг имтиёзли кредит маблағлари белгиланиши назарда тутилсин.

6. Сув хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда Қамаши ва Фузор туманларида 25 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида «Пахтаобод» каналини модернизация қилишга Жаҳон банкидан зарур маблағларни жалб қилиш бўйича тегишли музокаралар ва тадбирларни амалга оширсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг озука моддалари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мақсадида 2024 йилда қўшимча равишда 10 та мобиль лаборатория фаолиятини ташкил қилган ҳолда 150 минг гектарда тупроқнинг агрокимёвий тахлили харитасини ишлаб чиқиб, унинг ердан фойдаланувчиларга етказиб берилишини таъминласин.

8. Бош вазир ўринbosарлари Ж. Қўчқоров, А. Раматов ва Ж. Ходжаев Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1-бандидаги асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятини 2024-2025 йилларда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, белгиланадиган ҳар бир чора-тадбир бўйича масъул ижрочилар, амалга ошириш механизми ва муддатлари аниқ кўрсатиб ўтилсин.

9. Мазкур қарорга 5-иловадаги вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбар ходимларининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда аҳолининг доимий даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш;

ҳудудни комплекс ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон, қарор ва топшириқлар ижросининг ўз вақтида ва сифатли таъминланишини ташкиллаштириш;

белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида вужудга келган муваммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар билан бирга зарур чораларни кўриб бориш.

10. Белгилансинки:

а) мазкур қарор ижроси:

хар ойда бир марта Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов томонидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида;

хар чоракда бир марта Республика ишчи гурухи (Ж. Қўчкоров) ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши йиғилишида;

хар ойда камида бир марта туманларга (шаҳарларга) бириктирилган масъуллар томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари йиғилишида мутасадди вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари иштирокида танқидий муҳокама қилинади;

б) Республика ишчи гурухи (Ж. Қўчкоров) ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мазкур қарор ижроси юзасидан ахборот киритиб боради.

11. Олий Мажлис Сенатига халқ депутатлари Қашқадарё вилояти, туман (шаҳар) Кенгашлари билан биргаликда мазкур қарор ижросини назорат қилиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов ва унинг ўринbosарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 декабрь,  
ПҚ-389-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**501 Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш  
ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чо-  
ра-тадбирлари тўғрисида\***

Пахтачиликда замонавий самарадор агротехнологияларни қўллаш ва уруғчилик тизимига эркин бозор механизмларини жорий этиш орқали ҳосилдорликни кескин ошириш, пахта хомашёсини етиширишда илмий-инновациян ёндашувларни қўллашни кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши (кейинги ўринларда — Пахтачилик кенгаши) мутахассислари назорати остида тажриба-синов тариқасида юқори ҳосилдор хорижий фўза навлари ва дурагайларини олиб кириш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари тасарруфидаги пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизигача жойлаштиришга, истисно тариқасида, рухсат берилади. Бунда:

а) қуидагилар талаб этилади:

карантин рухсатномаси, экспорт қилувчи мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитария сертификати ёки гувоҳномаси мавжудлиги;

хориждан келтирилдиган фўза навлари ва дурагайларидан пахта ҳосили етиширишда ҳамда уларнинг уруғларини кўпайтиришда импорт қилувчи томонидан интеллектуал мулкка даъво қилмаслик;

хорижий фўза навлари ва дурагайларини олиб келишда нав оригиналаторлари (патент эгаси) билан лицензия шартномаси тузиш талаб қилинса, лицензия харажатларини импорт қилувчи корхона томонидан қоплаш;

келгуси йилларда экиш учун хорижий фўза навлари ва дурагайларини маҳаллий шароитда етиширишни ташкил этиш;

навларнинг биологик ва механик ифлосланишининг олдини олиш мақсадида фўза навлари экилаётган ҳудудларда нав жойлаштириш тартибиға қатъий амал қилиш;

б) хориждан келтирилган фўза навлари ва дурагайларини парваришлашда ҳар бир навга хос бўлган юқори самарадор агротехнологияларни қўллаш Пахтачилик кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда тегишли илмий ташкилотлар кузатувида амалга оширилади;

в) пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан фўза навларини жойлаштиришда кафолатланган уруғ таъминотига мувофиқ эркинлик берилади, бунда юқори ҳосилдор маҳаллий навларга устуворлик берилади. Бир контурда узлуксиз 2 йил давомида бир навни жойлаштиришга рухсат берилмайди. Ҳудудларда ҳар 2 йилда экилаётган навни тўла алмашти-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 декабрда эълон қилинган.

риш, ҳар йили тегишли нав ууругини бошқа худудлардан олиб келиш орқали ууруғ алмаштириш ва ўйиллик қўшимча ууруғ захирасини яратиш билан келгусида босқичма-босқич «тиндирилган ууруғ» экиш амалиёти жорий қилинади.

### 2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасига хориждан олиб кириладиган ўрта толалиғ фўза навлари ва дурагайларига қўйиладиган талаблар 1-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан пахта ҳосилдорлиги гектарига 30 центнердан ошмайдиган худудларда хориждан импорт қилинадиган ёки юқори ҳосилдор янги маҳаллий фўза навлари синовлари ўтказиладиган ҳамда янги илмий ишланма ва самарадор агротехнологиялар жорий қилинадиган худудлар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан олиб келинган фўза ууруғларини келгусида бошқа худудларга экиш ва улар экиласидаги майдонларни кенгайтириш ҳосилдорлик қўрсаткичларига ва фўза ууруғларининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тушганлигига кўра Пахтачилик кенгашининг хуносасига асосан амалга оширилиши мумкин.

3. Юқори самарадор хорижий фўза навларини худудларда етиштиришин давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидагиларга қўшимча вазифалар юқлатилсин:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига — мазкур қарорнинг талабларига мувофиқ хорижий фўза навларини олиб киришга, истисно та-риқасида, карантин рухсатномасини расмийлаштириш, шунингдек, импорт қилинган фўза навлари экилган майдонларда зааркунанда ва касалликларга қарши дала назорати мониторингини юритиш, аниқланган зааркунанда ва касалликларнинг ўз вақтида бартараф этилишида пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ууруғчилик субъектларига тезкор амалий ёрдам қўрсатиш;

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига — пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан хорижий фўза навлари ва дурагайларини етиштиришда уларнинг апробациясини тўғри ва ўз муддатида ўтказиш, ууруғликларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сақлашнинг ҳалқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлаш;

Кишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига — пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан хорижий фўза навлари ва дурагайларини ўсиш даври, ҳосилдорлиги, касаллик ва зааркунандаларга, турли тупроқ-иқлим шароитларига чидамлилиги ҳамда маҳсулот сифати ва бошқа белгилари асосида келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси худудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари навлари реестрига киритиб бориш;

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги хузуридаги Республика агроки-

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мёвий таҳлил марказига — республиканинг балл бонитети паст, сув таъминоти оғир бўлган ва пахта ҳосилдорлиги гектарига 30 центнердан ошмайдиган ҳудудларида тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган «контурбай» амалий механизмларни жорий этиш;

Уруғчиликни ривожлантириш марказига — хориждан келтирилган ғўза навларининг уруғчилиги билан шуғулланувчи субъектларда вегетация даврида пахта майдонларида камида уч марта, уруғликларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида доимий мониторинг юритиш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш, ғўза навларининг бир майдонда узлуксиз 2 йилдан ортиқ экилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудлар учун муқобил янги навлар уруғчилигини ташкил қилиш, ҳудудлар ўртасида муқобил навлар уруғларини қайта тақсимлаб бориш ҳамда йиллик «тиндирилган уруғлик» захирасини яратиш;

Пахтачилик кенгашига — хориждан олиб кириладиган ғўза навлари ва дурагайларини келгусида экиш майдонини кенгайтириш бўйича хulosса (кўрсатма) ишлаб чиқиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2024 йилдан бошлаб:

пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан хориждан келтирилган ғўза уруғларининг генетик тозалигини молекуляр-генетик таҳлил қилиш бўйича маҳаллий ваколатли лабораториялар хulosаси олинади ҳамда барча импорт қилинадиган ғўза уруғларининг экинбоплик сифат кўрсаткичлари баҳоланади;

пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан хориждан олиб келинган ғўза навлари ва дурагайлари икки йиллик етиштириш натижаларига кўра мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган талабларга мос келган холларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилади.

5. Республикада ғўзанинг серҳосил ва саноатбоп янги навларини яратишини жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида:

а) маҳаллий нав оригиналорлари ва муаллифларини рағбатлантириш бўйича:

белгиланган навни янгилаш схемаларини ҳамда уруғлик чигитни кўпайтириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда сифатли ва ракобатбардош уруғликларни етиштириш мақсадида маҳаллий нав оригиналорлари ва уруғчилик субъектлари (кластерлар, кооперативлар, фермер хўжаликлари ва бошқалар) ўртасида тўғридан-тўғри келишувлар асосида лицензия шартномасини тузиш орқали элита ва юқори авлодли уруғликларни етиштириш, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш, ички ва ташқи бозорда сотиш йўлга қўйилади;

ғўза навлари ва дурагайларининг уруғликларини белгиланган талабларга мувофиқ етиштириш, кўпайтириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ва реализация қилиш лицензия шартномаси асосида патент эгасининг рухсати билан амалга оширилади;

патент эгаси — лицензиар (шу жумладан, хорижий компания) билан келишилган ҳолда патентдан келиб чиқадиган барча хуқуқларни патент эгасининг хоҳишига кўра манфаатдор шахсларга бирон-бир шарт ва (ёки) че-

кловлар қўйган ҳолда, шунингдек, селекция ютуғидан лицензия шартномаси доирасида фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатларга беришга рухсат этилади;

урұғлик пахта хомашёсими етиширувчилар (пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжаликлари, кооперациялар)га маҳаллий олимлар томонидан яратилган районлаштирилган, истиқболли ва янги ғўза навларини оригиналорлар билан тузиладиган лицензия шартномаси асосида жойлаштириш ҳуқуқи берилади, бунда уруғликлар учун тўланадиган устама маблағлар мазкур субъектлар ўртасида ўзаро келишув асосида, бироқ 3 — 12 фоиз роялти тўловларидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

маҳаллий истиқболли ғўза навларини такомиллаштириш, республика худудида кенг районлаштириш, унинг сифатли элита уруғчилигини йўлга қўйиш ва навни тижоратлаштиришда нав оригиналорлари билан ҳамкорлик ўрнатган пахта етиширувчи субъектларга тегишли навга 20 фоизли улушларда ҳаммуаллифлик қилишга рухсат берилади;

б) ғўза уруғчилигига эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш бўйича:

пахта хомашёси етиширувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик тайёрлаш вазифаси босқичма-босқич пахта-тўқимачилик кластерлари ва хусусий уруғчилик корхоналарига ўтказилади;

2024 йил ҳосили учун уруғлик чигитни Пахтачилик кенгашининг хуласига асосан қўшимча тарзда хусусий уруғчилик корхоналари томонидан етказиб бериш амалиёти жорий этилади;

қонунчиликда белгилangan тартибда халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациядан ўтиш шарти билан хусусий сертификация идораларини ташкил этишга рухсат этилади.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги уч ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳамда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Уруғчиликни ривожлантириш марказини трансформация қилишга оид тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов):

а) Пахтачилик кенгashi, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимлклари билан биргаликда:

бир ой муддатда ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос, эртапишар ва ҳосилдорлиги юқори ғўза навлари уруғларини етишириш ва таъминотини ташкил қилиш ҳамда нав алмаштириш, уруғ алмаштириш ва «тиндирилган уруғ» экиш тизими бўйича 2024 — 2026 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

ҳосилдорлиги 30 центнердан паст бўлган пахта майдонларини мунтазам аниқласин ҳамда босқичма-босқич янги ва истиқболли навларни жойлаштириш, замонавий агротехнологияларни қўллашни жорий қилсан; ҳосилдорлиги 30 центнердан паст бўлган пахта майдонларини мунтазам аниқласин ҳамда босқичма-босқич янги ва истиқболли навларни жойлаштириш, замонавий агротехнологияларни қўллашни жорий қилсан;

бир ой муддатда пахта-тўқимачилик кластерлари ва хорижий уруғчилик компаниялари таклифларини ўрганган ҳолда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза навлари ва дурагайларини мазкур қарорнинг 1-иловасидаги талаблар асосида олиб келиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин;

икки ой муддатда янги ва истиқболли навларнинг уруғларини дастлабки кўпайтирувчи элита хўжаликларининг фаолиятини амалга ошириш механизмини ва районлашган навларнинг бирламчи уруғлигини ташкил этишнинг янги тартибини тасдиқласин;

2024 йил пахта ҳосилидан ҳар бир ҳудудда камида 500 гектар майдонда юқори агротехнологияларга асосланган тажриба майдонларини ташкил қилиб, пахта етиштирувчи субъектлар учун амалий дала семинарларини ўтказив борсин;

б) республикада маҳаллий ва хорижий селекцияга мансуб нав ва дурагайлардан етиштирилаётган пахта толаси сифатини мунтазам солиштириб бориш учун аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш (HVI) натижаларига асосан ягона маълумотлар базасини яратсин;

в) икки ой муддатда хориждан келтирилган ғўза уруғларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория хулосасини олиш тартибини тасдиқласин;

г) «Пахтасоат илмий маркази» АЖ билан биргалиқда уруғлик пахта хомашёсини жамғариш, белгиланган стандарт талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача бўлган жараённинг тўғри бажарилиши бўйича тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳамда уруғлик чигит тайёрловчи корхоналарда уруғлик пахтани қайта ишлашда ускуналарни белгиланган меъёrlар асосида созлаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

д) 2024 йил пахта етиштириш мавсуми охирига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси таркибида «е-уруғ» платформасини ишга туширсин.

Бунда, маҳаллий ва хорижий уруғчилик корхоналари ҳамда бирламчи уруғчилик хўжаликларининг ўзаро интеграциялашуви, ғўза навлари ва дурагайларининг уруғ таъминоти ва захираси, ҳудудларга мослашганлиги ва муқобил нав таклифлари, мавжуд ғўза навлари ва дурагайлари ҳосилдорлиги, уларни етиштириш агротехнологиялари тўғрисида ахборот олиш, ҳудудлар шароитларидан келиб чиқиб эркин ва шаффоф жойлаштириш, қайта тақсимлаш ҳамда сертификат олиш имкониятлари яратилади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Испания, Австралия ва Америка Кўшма Штатлари тажрибасини ўрганган ҳолда ҳамда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Конунига, шунингдек, қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бир ой муддатда:

мазкур қарор талаблари асосида 2024 йилда ўз ҳудудидаги пахта экила-

диган майдонларнинг 10 фоизига экиладиган хорижий ғўза навлари бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига таклиф киритсин;

хусусий уруғчилик корхоналарини жалб қилиш, хорижий навлар экила-  
диган майдонларни тўлик назоратга олиш, ҳудудларда ғўза уруғчилигига оид  
янги тизим самарадорлигини оширишнинг мутахассис-кадрлар, инфратузил-  
мавий ва ташкилий таъминотини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури-  
ни тасдиқласин ва ижрога қаратсин;

янги тизим асосида мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган талабларга  
мувофиқ ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-икълим шароитларига мос ғўза навлари  
бўйича бирламчи уруғчиликни ташкил этиш ва жойлаштириш чораларини  
кўрсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Хитой (Ф. Ар-  
зинев), Ҳиндистон (С. Рустамбаев), Туркия (А. Агзамходжаев), Испания (Ф. Тур-  
сунов), Австралия (Қ. Шакиров) ва Америка Кўшма Штатлари (Ф. Сидиков)  
даги дипломатик ваколатхоналари билан биргалиқда доимий равишда:

пахтачилик ва ғўза уруғчилигига оид энг илғор тажриба ва муҳим нати-  
жаларни доимий таҳлил қилиб бориш, юқори ҳосилдор ғўза навлари ва ду-  
рагайларини республикамизга олиб келиш, соҳага оид инновацион техноло-  
гияларни трансфер қилиш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Пахтачилик  
кенгаши ва пахта-тўқимачилик кластерларига кўмаклашсин;

ғўза уруғчилиги бўйича хорижий компанияларни жалб қилиш юзасидан  
ташкилий чора-тадбирларни амалга оширасин.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Пахтачилик кенга-  
шининг илмий хулосасига асосан мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган 14  
та туманда пахтачиликка оид янги илмий ишланмалар ва инновацион тех-  
нологияларни жорий этиш, шунингдек, 2024 — 2027 йилларда анъанавий  
ва ноанъанавий селекция усуллари орқали юқори ҳосилдор, тезпишар, тола-  
сифати юқори, касаллик ва ҳашаротларга чидамли биотехнологик навларни  
яратиш ҳамда замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва инновацион  
лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш чораларини кўрсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш  
агентлигининг Пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи бўлган  
«Пахтасаноат илмий маркази» АЖ негизида Қишлоқ хўжалигида билим ва  
инновациялар миллий маркази ҳузуридаги Толали экинлар илмий-тадқиқот  
институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан. Бунда, «Пах-  
тасаноат илмий маркази» АЖга тегишли бино ва иншоотлар ҳамда мол-мулк-  
лар қонунчиликда белгиланган тартибда мазкур институтга ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов) бир ой муддатда Толали  
экинлар илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш боғлиқ барча зарурӣ  
чораларни кўрсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Генетик модификацияланган  
организмлар ва унинг маҳсулотлари хавфсизлигининг илмий экспертизасини  
ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ҳамда Қишлоқ хўжалиги экинларининг  
генетик модификацияланган навларининг миллий базасини шакллантириш ва  
юритиш тартибини тасдиқласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 15 декабрь,  
ПҚ-391-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**502** **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3479*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ-114-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 ноябрь,  
18-мҳ-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

**Д. КУЧКАРОВ**

2023 йил 31 октябрь

*Ўзбекистон Миллий*

*паралимпия қўмитаси раиси*

**М. ТАШХОДЖАЕВ**

2023 йил 12 октябрь

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил  
10 ноябрдаги 18-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги  
стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендиясини (бундан буён матнда стипендия деб юритилади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Стипендия ҳар ойлик тўлов шаклида Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий ёки захира таркиби (бундан буён матнда спорт терма жамоалари таркиби деб юритилади) киритилган ҳамда мазкур Низомнинг иловасида белгиланган мезонларга мос келувчи спортчиларга тайинланади.

2. Мазкур Низом қоидалари Олимпия ва Паралимпия ўйинларида совриндор бўлганлиги учун умрбод ойлик тўловлар тайинланган спортчиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-боб. Стипендия комиссияси фаолиятини ташкил этиш  
ва унинг асосий вазифалари**

3. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири бўйруғи билан стипендияни тайинлаш ва тўлаш бўйича Стипендия комиссияси (бундан буён матнда Стипендия комиссияси деб юритилади) тузилади ва у стипендияга номзод спортчиларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда стипендия тайинлашга масъул ҳисобланади.

4. Стипендия комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) марказий аппарати ва Вазирлик тизимидағи ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлган ходимлари орасидан камида етти кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

5. Стипендия комиссиясига юкланган асосий вазифалар ва функцияларга мувофиқ Стипендия комиссияси фаолиятини ташкил этиш, шунингдек комиссия йиғилишларини ўtkазиш ва уларга раҳбарлик қилиш вазир ўринбосари — Стипендия комиссияси раиси томонидан амалга оширилади.

6. Стипендия комиссияси фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш унинг котиби зиммасига юкланади.

7. Стипендия комиссияси стипендияга номзод спортчилар маълумотла-

рини кўриб чиқиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш бўйича қўйидаги вазифаларни бажаради:

Спорт турларини ривожлантириш Республика марказлари ҳамда Ўзбекистон Миллӣ паралимпия қўмитаси (бундан буён матнда масъул ижрочилар деб юритилади) томонидан тақдим қилинадиган стипендияга номзод спортчиларнинг рўйхатини кўриб чиқиш;

стипендияга номзод спортчилар рўйхатидаги спортчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ва мазкур Низомнинг иловасида белгилangan мезонларга мослигини текшириш;

ўзига юклangan вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун масъул ижрочилардан зарур ахборотларни сўраб олиш;

стипендия тайинлаш учун барча зарур хужжатлар ва маълумотларнинг масъул ижрочилар томонидан ўз вақтида тақдим этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий ёки захира таркибида киритилган спортчилар рўйхатини доимий равишида мониторинг қилиб бориш;

спортчиларга стипендия тайинлаш ёки стипендия тўлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

8. Стипендия комиссияси йиғилишлари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Йиғилишларда кун тартибида киритилган масалалар юзасидан коллегиал тарзда қарорлар қабул қилинади.

9. Стипендия комиссияси йиғилишлари аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

10. Стипендия комиссияси қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг камида учдан икки қисми томонидан маъқулланган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

### **3-боб. Стипендияга номзод спортчилар рўйхатини кўриб чиқиш, уларнинг маълумотларини текшириш ва стипендия тайинлаш**

11. Масъул ижрочилар ҳар чорак биринчи ойининг 5-санасига қадар мазкур Низом иловасида белгилangan мезонлар асосида спорт терма жамоалари таркиbidаги спортчилардан стипендияга номзодлар рўйхатини тузади ва Стипендия комиссиясига тақдим қиласди.

Бунда, мазкур Низомнинг иловасида белгилangan мезон талабларига мос келувчи ҳамда спорт терма жамоалари тартибида киритилган барча спортчиларнинг стипендияга номзодлар рўйхатига тўлиқ киритилишига масъул ижрочилар жавобгар ҳисобланади.

12. Масъул ижрочилар стипендияга номзод спортчилар рўйхати билан биргаликда Стипендия комиссияси кўриб чиқиши учун мазкур Низомнинг иловасида белгилangan мезонлар асосида спортчиларнинг мусобақаларда эришган натижаларини тасдиқловчи хужжатларни тақдим қиласди.

13. Стипендия комиссияси стипендияга номзод спортчилар ҳақида бош-

ка зарур маълумотларни (шахсига оид маълумотлар, спорт терма жамоалари таркибидаги ҳолати бўйича маълумотлар ва бошқалар) «ERP Sport» ягона электрон бошқарув тизими орқали олади.

14. Стипендия комиссияси масъул ижрочилар томонидан тақдим қилинган стипендияга номзод спортчилар рўйхатини ва уларнинг мусобақаларда эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатларни 15 кун ичида кўриб чиқади.

15. Ҳужжатларни кўриб чиқиш жарабёнида Стипендия комиссияси масъул ижрочилар томонидан тақдим қилинган стипендияга номзод спортчилар рўйхатидаги спортчиларнинг ҳақиқатдан ҳам спорт терма жамоалари таркибида эканлигини ва уларнинг мусобақаларда эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлари ҳақиқийлигини, шунингдек мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳолатларни текширади.

16. Стипендия комиссияси йиғилишида умумий овоз бериш йўли билан стипендия тайинлаш ва тўлаш тўғрисида ёки стипендия тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига кири-тилган спорт турлари бўйича спорт терма жамоалари таркибига киритилган ҳамда мазкур Низомнинг иловасида белгиланган мезонларга мос келувчи спортчиларга стипендия тайинланади.

Стипендиялар стипендия тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ойдан бошлаб бир йил муддатга мазкур Низомнинг 32-бандида бел-гиланган миқдорга қатъий риоя қилган холда тайинланади.

17. Стипендия комиссияси қарори баённома билан расмийлаштирилади.

18. Стипендия комиссияси қарори Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

#### **4-боб. Стипендия комиссияси қарори юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш**

19. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг буй-руфи билан Стипендия комиссияси қарори юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича апелляция комиссияси (бундан бўён матнда апелля-ция комиссияси деб юритилади) тузилади.

Апелляция комиссияси таркибига Вазирликнинг Стипендия комиссияси фаолиятида иштирок этмаган масъул ходимлари киритилади.

Апелляция комиссияси аъзолари сони тоқ сонда ҳамда камида беш ки-шидан иборат таркибда шакллантирилади.

20. Стипендия комиссияси қароридан норози бўлган масъул ижрочилар ёки стипендияга номзод спортчилар ёхуд уларнинг қонуний вакиллари (бун-дан бўён матнда мурожаатчи деб юритилади) Стипендия комиссиясининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб, беш кун давомида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

21. Апелляция комиссияси йиғилишлари аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

22. Апелляция комиссияси қарорлари йиғилишда иштирок этаётган

аъзоларнинг камидаги учдан икки қисми томонидан маъқулланганда, қабул қилинган ҳисобланади.

23. Апелляция комиссияси томонидан келиб тушган мурожаатлар уч иш куни ичида кўриб чиқилади.

24. Апелляция комиссияси йиғилишларида ёки қарор қабул қилинаётган вақтда мурожаатчининг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

25. Апелляция комиссияси мурожаатчининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича мурожаатчи Апелляция комиссияси қарори қабул қилинаётган вақтда иштирок этган бўлса, шахсан ўзига топширилишини таъминлайди.

26. Апелляция комиссияси тегишли қарор нусхасини мурожаатчига бир кун муддатда почта орқали ёки электрон шаклда унинг электрон почта манзилига етказилишини, агар мурожаатчи Апелляция комиссияси қарори қабул қилинаётган вақтда иштирок этган бўлса, шахсан ўзига топширилишини таъминлайди.

### **5-боб. Стипендияни тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ харажатлар**

27. Стипендия тўловлари учун маблағлар «спортчи» лавозими учун белгиланган иш ҳақи, терма жамоалар ва уларнинг захираси, спортчилар энергия сарфини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун ажратиладиган мақсадли тўловларни мақбуллаштириш ҳисобидан қопланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Вазирликнинг харажатлари сметасида инобатга олинади.

28. Стипендия тўловлари учун маблағлар ҳисоби Вазирликда очиладиган маҳсус шахсий разна ҳисобварагида юритилади.

29. Вазирлик Стипендия комиссиясининг стипендия тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги қарори асосида стипендия тўлови учун талаб этиладиган маблағларни Вазирликнинг харажатлар сметасида стипендия тўлови учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан масъул ижрочиларнинг харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш орқали ажратади.

30. Стипендияни тўлаш масъул ижрочилар томонидан спортчиларнинг банк карталарига ёки депозит ҳисобваракларига молиявий маблағларни ўтказиш ўйли билан амалга оширилади.

Бунда, молия ўили якуни бўйича фойдаланилмай қолган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

31. Спортчилар учун стипендия тўловлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмда амалга оширилади.

32. Стипендия миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 баравари этиб белгиланади.

33. Стипендия комиссиясининг стипендия тайинлаш ва тўлаш тўғрисидағи қарори қабул қилинган ойдан бошлаб спортчига стипендия ҳисобланади ва тўлаб борилади.

34. Стипендия тайинланган спортчилар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида эътироф этилиш ҳуқуқига эга бўлади.

35. Масъул ижрочилар хар ярим йилда стипендия тайинланган спортчиларнинг спорт натижаларини мониторинг қилиб боради ва Стипендия комиссиясига ахборот киритиб боради.

### **6-боб. Стипендия тўлашни тўхтатиш асослари ва тартиби**

36. Стипендия тайинланган спортчиларга стипендия тўлаш қўйидаги асосларга кўра тўхтатилишига йўл қўйилади:

1) стипендия тайинланган спортчилар спорт терма жамоалари таркибидан чиқарилганда;

2) стипендия тайинланган спортчиларга Олимпия ва Паралимпия ўйинларида совриндор бўлганлиги учун умрбод ойлик тўловлар тайинланганда.

37. Мазкур Низомнинг 36-бандида келтирилган ҳолатлар аниқланган вактдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан Стипендия комиссияси мазкур Низомнинг 8 — 10-бандларида белгиланган тартибда стипендия тўлашни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаради.

38. Стипендия тўловларини тўлаш Стипендия комиссиясининг стипендия тўлашни тўхтатиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган ойнинг охирги санасидан тўхтатилади.

### **7-боб. Якуний қоида**

39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирилиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт  
вазиригининг стипендиясига номзод спортчиларнинг  
охирги бир йилда Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё  
ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича  
халқаро мусобақалардаги иштирокига оид асосий  
МЕЗОНЛАР**

T/р	Мусобақалар номи	Ўринлар
<b>Олимпия ва Паралимпия ўйинларига киритилган спорт турлари бўйича</b>		
1.	Олимпия ва Паралимпия ўйинлари (катталар)	1 — 8 ўрин
2.	Олимпия ва Паралимпия ўйинлари (ўсмирлар)	1 — 6 ўрин
3.	Осиё ва Параосиё ўйинлари (катталар)	1 — 6 ўрин
4.	Осиё ва Параосиё ўйинлари (ёшлар ва ўсмирлар)	1 — 3 ўрин
5.	Жаҳон чемпионати (катталар)*	1 — 8 ўрин
6.	Жаҳон чемпионати (ёшлар)***	1 — 6 ўрин
7.	Жаҳон чемпионати (ўсмирлар)***	1 — 4 ўрин
8.	Жаҳон кубоги (катталар)*	1 — 5 ўрин
9.	Жаҳон кубоги (ёшлар)***	1 — 4 ўрин
10.	Жаҳон кубоги (ўсмирлар)***	1 — 3 ўрин
11.	Осиё чемпионати (катталар)**	1 — 5 ўрин
12.	Осиё чемпионати (ёшлар)**	1 — 4 ўрин
13.	Осиё чемпионати (ўсмирлар**)	1 — 3 ўрин
14.	Осиё кубоклари (катталар)**	1 — 3 ўрин
15.	Осиё кубоклари (ёшлар)***	1 — 3 ўрин
16.	Осиё кубоклари (ўсмирлар)***	1 — 3 ўрин
17.	Марказий Осиё чемпионати (катталар, ёшлар, ўсмирлар)***	1 — 3 ўрин
18.	Халқаро ва Осиё ташкилотлари томонидан ташкил қилинадиган комплекс спорт тадбирлари (катталар, ёшлар, ўсмирлар)	1 — 3 ўрин
<b>Осиё ва Параосиё ўйинларига киритилган ноолимпия спорт турлари бўйича</b>		
1.	Жаҳон чемпионати (катталар)*	1 — 3 ўрин
2.	Осиё чемпионати (катталар)**	1 — 3 ўрин

*Изоҳлар:*

\* Ҳарбийлар ўртасидаги ва талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари учун ҳам татбиқ этилади.

\*\* Осиё-Океания чемпионати, Шарқий-Осиё чемпионати, Фарбий-Осиё чемпионати, Жанубий-Осиё чемпионати, Шимолий-Осиё чемпионатлари учун ҳам татбиқ этилади.

\*\*\* 23 ёшгача бўлган ёшлар ҳамда кичик ўсмирлар мусобақалари натижалари учун ҳам татбиқ этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**503** Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигида етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3480*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 августдаги 432-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг кинология хизматлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги 750-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофик **буюраман**:

- Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигида етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофик тасдиқлансин.
- Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 2 ноябрь,  
602-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 6 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги  
602-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий  
бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш  
учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик  
питомнигида етиширилган ва ички ишлар органларининг  
эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб  
топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари хизмат итлари наслчилик питомниги (бундан буён матнда наслчилик питомниги деб юритилади) етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

**буюртмачи** — Корақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари кинология бўлинмаларига (бундан буён матнда кинология бўлинмалари деб юритилади) итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш, шунингдек наслчилик питомнигида етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиб олиш учун ўз ихтиёрига кўра мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар;

**пуллик хизматлар** — кинология бўлинмалари томонидан шартнома асосида ҳақ эвазига итларни умумий бўйсунувчанлик ҳамда ҳимоя-қоровул кўникмаларига тайёрлаш бўйича кўрсатиладиган хизмат;

**тест-синови** — итларнинг умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлашга мойиллигини аниқлаш учун аппортировка (буюмларни олиб келиш), қидиув реакциясини яққол намоён қилиши, эгасига яхши муносабатда бўлиши ва унга бўйсуниши, харакатчанлиги (тўсикларни енгиб ўтишда), ҳид билиши ривожланганлиги, ўзига нисбатан таҳдидли харакатларга жаҳлдорликни юзага чиқариши, отилган ўқ овози ва бошқа кучли қўзғатувчиларга нисбатан хотиржам муносабатда бўлиши каби кўрсаткичлар бўйича итнинг иш қобилиятини текшириш;

**умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўникмалари** — итларни бошқариш, ўналтириш ва бирор ҳолатни қабул қилиши учун зарур

бўлган бўйсунувчанлик, шунингдек ҳимоялаш ва қоровуллик кўнкимларини ҳосил қилиши.

2. Пуллик хизматлар кўрсатиш ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотишдан тушадиган маблағлар тўлиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади ва улардан ички ишлар органларининг кинология бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни моддий рафбатлантириш учун фойдаланилади.

3. Пуллик хизматлар прейскуранти (нархлари) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари — Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи томонидан тасдиқланаиди.

## **2-боб. Кинология бўлинмаларида пуллик хизмат кўрсатиш**

4. Буюртмачи пуллик хизматлардан фойдаланиш учун кинология бўлинмаларига бевосита ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситасида электрон тарзда мурожаат қиласи.

5. Итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўнкимлари бўйича тайёрлаш учун клиник соғлом бўлган ва саккиз ойдан ошган мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган итлар қабул қилинади.

Буюртмачи томонидан келтирилган ит ушбу Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган итлар тоифасига кирмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган Кинология бўлинмаларида итларни умумий бўйсунувчанлик ҳамда ҳимоя-қоровул кўнкимлари бўйича тайёрлашга яроқлилигини аниқлаш комиссияси томонидан тест-синови ва ўрганиш ўтказилиши ҳамда унинг ижобий хуносаси асосида умумий бўйсунувчанлик ёки ҳимоя-қоровул кўнкимаси бўйича тайёрлаш учун лойиқ деб топилиши ва истисно тариқасида қабул қилиниши мумкин.

6. Буюртмачининг мурожаати келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида кинология бўлинмалари томонидан итни дастлабки клиник кўрикдан ўтказиш учун олиб келиш санаси маълум қилинади.

7. Буюртмачи томонидан белгиланган санада келтирилган ит ва унинг ветеринария паспорти кинология бўлинмаларига тақдим этилади.

Буюртмачи томонидан эмлаш тадбирлари итни кинология бўлинмаларига олиб келишдан камида йигирма бир кун олдин ёки ўн бир ойдан ошмаган ҳолда амалга оширилган бўлиши шарт.

8. Буюртмачи томонидан келтирилган ит кинология бўлинмаларининг ветеринария хизмати шифокорлари томонидан дастлабки клиник кўрикдан ўтказилади ва натижаси бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофик шаклда ветеринария хуносаси тузилади.

Ветеринар шифокор хуносасига кўра:

ит соғлом деб топилса, кинология бўлинмалари томонидан қабул қилинади;

ит носоғлом деб топилса, у кинология бўлинмалари томонидан қабул қилинмайди.

9. Буюртмачи томонидан келтирилган ит соғлом деб топилганда, буюртмачи ва кинология бўлинмалари ўртасида икки нусхада пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузилади.

10. Кинология бўлинмаларига умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўнилмалари бўйича тайёрлаш учун қабул қилинган итлар ўн кун давомида дастлабки ветеринария ва карантин назоратида сақланади.

11. Қабул қилиш пайтида итларда юқумли касалликлар яширин (инкубацион) даврида бўлиб, карантин ёки кейинги даврда юқумли касаллик белгилари юзага чиққанда кинология бўлинмаларининг ветеринар шифокорлари томонидан хulosса тузилади ва давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари хабардор қилинган ҳолда итлар буюртмачига қайтарилади.

12. Умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўнилмалари бўйича тайёрланаётган итлар ветеринар шифокорлари хulosаси асосида қайтарилган (четлаштирилган) ҳолларда тўланган маблағлар кинология бўлинмалари томонидан сарфланган озуқа ва дори-дармон харажатлари чегирилган ҳолда ўн беш иш куни ичидаги буюртмачига қайтарилади.

13. Умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-қоровул кўнилмаларига тайёрлаш бўйича икки ойлик курснинг сўнггида итлар буюртмачи иштирокида тест синовидан ўтказилади.

Бунда тест-синовидан ўтган итлар далолатнома асосида буюртмачига топширилади, тест-синовидан ўта олмаган итлар эса буюртмачининг хоҳишига кўра кинология бўлинмалари томонидан қўшимча бепул тайёрлашдан ўтказиб берилади.

### **3-боб. Наслчилик питомнигида етиштирилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш**

14. Наслчилик питомнигида етиштирилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни буюртмачиларга сотиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти»нинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

15. Итларнинг ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқлиги ва хизматга яроқсизлиги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг буйруғи билан тасдиқланадиган Наслчилик питомнигида етиштирилган, эҳтиёждан ортиқ бўлган ва хизматга яроқсиз итларни аниқлаш комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан аниқланади.

16. Комиссия итларни кўздан кечириш ва ўрганиш давомида мазкур Низомнинг З-иловасида келтирилган Итларни хизматга яроқсиз деб топиш учун асос бўлувчи жисмоний камчиликлар, касалликлар ва нуқсонлар рўйхати асосида уларни хизматга яроқсиз деб топади.

17. Сотилаётган хизматга яроқсиз итлар кинология бўлинмалари ва наслчилик питомниги томонидан барча юқумли касалликларга қарши даволаш-профилактика тадбирларидан ўtkазилиши лозим.

18. Клиник соғлом, жисмонан нуқсонсиз, лекин феъл-авторида тахминий-жинсий ва суст-мудофаа реакциясининг устунлиги ҳамда асаб фаолияти асосий типологик хусусиятларининг камчиликлари ўта юқори ёки жуда паст қўзғалувчанлиги мавжуд бўлган итлар комиссия томонидан хизматга яроқсиз деб топилади ҳамда мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилиб, сотувга қўйилади.

19. Наслчилик питомнигига етиширилган ва ички ишлар органларида хизматга яроқсиз деб топилган итлар тегишли лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланади.

20. Баҳоловчи ташкилотлар томонидан итнинг баҳолангандиги бўйича ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичida кинология бўлинмалари ва наслчилик питомниги томонидан оммавий ахборот воситалирига итни сотиш бўйича эълон берилади.

Эълонда сотувга қўйилган итнинг фотосурати ва лақаби, ёши, зоти, жинси, нархи, шунингдек, тўловларни амалга ошириш учун ички ишлар органларининг банк реквизитлари ҳамда қўшимча маълумотлар учун телефон рақами, ит сотиб олиш учун мурожаат этишининг охирги муддати (кун ва соат) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

21. Итни сотиб олиш учун буюртмачилар кинология бўлинмалари ва наслчилик питомнигига бевосита ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситасида электрон тарзда мурожаат қиласи.

22. Кинология бўлинмалари ва наслчилик питомниги томонидан итни сотиб олиш бўйича тушган мурожаат уч иш куни ичida кўриб чиқилади.

Кинология бўлинмалари ва наслчилик питомниги итни сотиб олиш тўғрисидаги мурожаат асосида буюртмачи билан шартнома расмийлаштирилади.

Агарда, бир нечта буюртмачилар бир вақтнинг ўзида сотувга қўйилган айнан бир итни сотиб олиш бўйича мурожаат қилганида, биринчи бўлиб мурожаат қилган буюртмачи билан шартнома расмийлаштирилади.

23. Хизматга яроқсиз деб топилган итлар белгиланган тартибда шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан сотилади.

24. Буюртмачи шартнома имзоланунга қадар сотувга қўйилган итни кўздан кечириши мумкин.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

25. Мазкур Низом талабларини қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор деб топилган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-коровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигидан етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Кинология бўлинмалари томонидан умумий бўйсунувчанлик  
ҳамда ҳимоя-коровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун  
қабул қилинадиган итлар  
РЎЙХАТИ**

T/p	Итнинг зоти
<b>I. Майдо зотли итлар</b>	
1.	Рус овчи спаниельи
2.	Англия коккер спаниельи
3.	Фокстеръер
4.	Ягтерер
5.	Такса
<b>II. Ўрта зотли итлар</b>	
6.	Немис овчаркаси
7.	Бельгия овчаркаси
8.	Шарқий Европа овчаркаси
9.	Лабрадор
10.	Ирланд сеттери
11.	Курцхаар
12.	Дратхаар
13.	Шотланд сеттери
<b>III. Йирик зотли итлар</b>	
14.	Ўрта Осиё овчаркаси
15.	Кавказ овчаркаси
16.	Ротвейлер
17.	Ризеншнауцер
18.	Қора теръер

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-коровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигида етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга

2-ИЛОВА

### —сонли ветеринария хуносаси

20\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тумани (шаҳар)

Биз, \_\_\_\_\_  
(кинология бўлинмалари)

ветеринаршифокори(катташифокори,шифокори)\_\_\_\_\_,  
ветеринария хизматининг масъул ходимлари \_\_\_\_\_, 20\_\_\_ йил  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни \_\_\_\_\_  
(кинология бўлинмалари)

ТОМОНИДАН  
(им ҳезасининг Ф.И.О. ва паспорти (идентификация ID-картаси) маълумотлари, агар юридик шахс бўлса, унинг тўлиқ номи ва раҳбарининг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ тайёрлашга қабул қилиш учун \_\_\_\_\_  
лақабли, \_\_\_\_\_ зотига мансуб бўлган, \_\_\_\_\_ йилда туғилган, ранги \_\_\_\_\_, жинси \_\_\_\_\_ бўлган итни ветеринария кўриги, клиник ва лаборатория текширувларидан ўтказиб, қуидагиларни аниқладик:

- а) итнинг семизлиги \_\_\_\_\_;
- б) кўзларида ўзгаришлар \_\_\_\_\_;
- в) тишлари \_\_\_\_\_;
- г) тана ҳарорати \_\_\_\_\_;
- д) юнги ялтироқлигига ўзгариш \_\_\_\_\_;
- е) эшитиш қобилияти \_\_\_\_\_;
- ж) итнинг қон таҳлили кўрсаткичи \_\_\_\_\_.

Юқоридагиларга асосланиб, итнинг клиник аҳволи ветеринария хизмати шифокорлари хизмати ходимлари томонидан \_\_\_\_\_ деб топилди.

**Ветеринария хизмати бошлиғи** \_\_\_\_\_  
(катта шифокори, шифокор)

**Ветеринар шифокор** \_\_\_\_\_

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-коровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигидан етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

### **Итларни хизматга яроқсиз деб топиш учун асос бўлувчи жисмоний камчиликлар, касалликлар ва нуқсонлар РЎЙХАТИ**

1. Скелет ва мушакларнинг умумий жисмоний ўсишдан тўхтаб қолганлиги, нозиклиги, кичикилиги, жуда семизлиги ёки озғин (ориқ)лиги.
2. Ташқи кўринишининг асосий ва яққол кўзга ташланадиган камчиликлари:  
 тишларнинг эмаль қатлами бутунлай емирилганлиги, жағдаги битта ёки иккита тишларнинг йўқлиги;  
 ингичка, заиф мушакли бўйин ёки бурмакли, осилиб тушган терили бўйин; хаддан ташқари осилиб турган ёки букри қомат; синиб турган ёки букри (эгик), ингичка, етилмаган мушакли бел; жуда қийшайган сафри; думалоқ, бўртма, эгри-буғри қовурғали, олд томонидан номутаносиб, кенг ёки жуда тор ёхуд кичкина кўкрак қафаси;  
 осилиб қолган ёки ҳаддан ташқари ичига ботиб кетган қорин; олдинги оёқларнинг тор вазияти (холати), ташқарига ёки ичкарига қийшайган тирсаклар, яққол кўзга ташланадиган маймоқлик ёки оёқларнинг жуда кенг қўйилиши, орқа оёқларнинг қиличсимон вазияти, сакраб юришига ёрдам берувчи бўғинларнинг яқинлашуви ёки қийшайганлиги, ясси, ёйилган оёқ панжалари.
3. Ҳаракатнинг издан чиқишига сабаб бўлувчи марказий асаб тизими (мия ва унинг пардалари)нинг бузилиши ва заарланиши.
4. Аъзоларнинг тузалмайдиган функционал бузилишини келтириб чиқарувчи периферик (сиртқи) асаб касалликлари.
5. Елка ва сон мушакларининг қуриши (атрофияси) оқибатида пайдо бўлган чўлоқлик, шунингдек пай, пайчалар ва бўғинларнинг сурункали яллигланиши.
6. Оғир, сурункали касалликлар, заҳарланишлар оқибатида пайдо бўлайдиган ҳазм қилиш аъзоларининг узок давом этадиган, яққол кўзга ташланадиган, даволанмайдиган бузилишлари (касалликлари).
7. Нафас қисиши, йўтал, хириллаш, шиллик пардаларнинг цианози каби аниқ ташқи белгиларга эга бўлган нафас йўллари, ўпка, ўпка пардасининг сурункали касалликлари. Бурун шиллик пардаси ёки ўсимталарининг ўзгариши, айниши оқибатида нафас олишнинг бузилиши.
8. Юрак ва ўрик қон томирларининг сурункали касалликлари.

9. Қаттиқ оғриқ, оқсоқлик ва ҳаракатларнинг йўқолиши билан кечадиган мушаклар ва бўғинларнинг сурункали ревматизми.
10. Эркин ҳаракатга тўсқинлик қилувчи бўғинлар, пайлар ва юмшоқ тўқималарнинг деформацияси (шаклининг ўзгариши).
11. Йиринглаш, тешик оқма яраларни келтириб чиқарувчи лимфатик безларнинг сурункали шикастланиши.
12. Ҳаракатларни чеклайдиган нотўғри битган суяклар.
13. Бўйинбог ва кўкракбанд тақилишини қийинлаштирадиган, йўқотиб бўлмайдиган ўスマлар, шишлар ёки сурункали, зўрайдиган касалликлар.
14. Хавфли ўスマлар, шишлар (саратон).
15. Чурранинг (дабба) ичак-човоқлар ва қорин билан тушиб кетиши.
16. Эркин ҳаракатланиш имконини йўққа чиқарувчи бармоқлар ва тирноқларнинг бедаво касаллиги.
17. Эшитиш қобилиятини қисман йўқотиш билан кечадиган қулоқ ички қисми (лабиринти) ва пардаси функциясини ўзгартириб юборадиган қулоқнинг сурункали йирингли яллиғланиши.
18. Кучсиз сезиш қобилияти.
19. Кўз шиш қопчиғи ва шиллик пардасининг сурункали яллиғланиши, кўз ёши оқмаяраси, кўздан доимий равишда ёш оқиши, кўриш қобилиятининг қисман йўқолиши.
20. Бичилган (ахта қилинган) итлар (комиссия томонидан ит хизматга яроқли деб топилса хизматда фойдаланиш мумкин).
21. Иш қобилияти бутунлай йўқолишига сабаб бўладиган ва даволаниш учун сарфланадиган ҳаражатларни оқламайдиган травматик касалликлар (яралар, жароҳатлар, урилган, лат еган жойлар ва бошқалар) рўйхатда кўрсатилмаган касалликлар).
22. Даволанмайдиган, сурункали паразитар касалликлар (қирма темиратки, мой хўрак, кўтири) тананинг асосий қисмига тарқалган чилла яра (экзема).
23. Хизмат итларидан самарали фойдаланишга имкон бермайдиган ва йўл кўймайдиган бошқа жисмоний камчилик, касаллик ва нуксонлар.
24. Қарилиги сабабли (тўққиз ёш) хизматдан фойдаланишини чеклайдиган итнинг организмдаги ўзгаришлар.
25. Ўта жаҳлдор ва кўрқоқ итлар.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ва ҳимоя-коровул кўникмалари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигида етиширилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

### «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Комиссия раиси, \_\_\_\_\_  
 Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлигининг жамоат хавфзислиги бўйича ўринбосари \_\_\_\_\_

### Хизмат итининг яроқсизлиги ҳақида ДАЛОЛАТНОМА

20\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ тумани (шаҳар)

\_\_\_\_\_ Наслчилик питомниgidаги итларнинг хизматга яроқсизлигини аниқловчи комиссия раиси \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

ва қўйидаги аъзолар \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

---



---

иборат комиссия, кинолог \_\_\_\_\_ га бириткирилган, \_\_\_\_\_ лақабли, \_\_\_\_\_ зотли, \_\_\_\_\_ жинсига мансуб, \_\_\_\_\_ да туғилган, \_\_\_\_\_ рангли хизмат итини текширувдан ўтказиб (санада), қўйидагиларни аниқлади: \_\_\_\_\_

(итнинг камчилиги, касаллиги ёки нуқсони кўрсатиб ўтилади)

---



---

### Комиссия хulosаси

«\_\_\_\_\_» лақабли или ёки кучук боласи Наслчилик питомнигида итларни хизматга яроқсиз деб топиш учун асос бўлувчи жисмоний камчиликлар, касалликлар ва нуқсонлар рўйхатининг \_\_\_\_\_-бандига мувоғиқ: \_\_\_\_\_

---

белгиланган тартибда сотувга қўйилсин.

**Комиссия раиси:**

**Комиссия аъзолари:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУГИ

**504 Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва ахоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга ўйналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Махқамасининг 2023 йил 31 августдаги 433-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни қабул қилиш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

- Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
- Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 2 ноябрь,  
601-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2023 йил  
2 ноябрдаги 601-сон бўйруғига  
1-ИЛОВА

**Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш  
тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома ички ишлар органларида хизматга (бундан бўён матнда хизмат деб юритилади) номзодларни танлаб олиш тадбирларини (бундан бўён матнда танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Номзодлар хизматга ихтиёрий тартибда, ички ишлар органларидаги мавжуд бўш лавозимлардан келиб чиқсан ҳолда ички ишлар органлари томонидан танлов асосида қабул қилинади.

Танловда иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

2. Номзодларга кўйиладиган умумий талаблар ҳамда танловдан муваффақиятли ўтган номзодларни хизматга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга (бундан бўён матнда Низом деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

3. Низомга асосан:

а) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари танловнинг саралаш босқичидаги дастлабки ўрганиш ҳамда интеллектуал ривожланганик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш босқичларидан муваффақиятли ўтган тақдирда, тест синовидан озод этилган ҳолда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичига ўтказилади.

б) мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида\* келтирилган рўйхатга мувофиқ ички ишлар органларининг тор ихтисослик бўйича мутахассисликлар талаб этиладиган айрим лавозимларига тегишли тор ихтисослик бўйича мутахассисликка эга бўлган номзодлар танловнинг саралаш босқичисиз, факат ўрганиш босқичи орқали хизматга қабул қилинади;

в) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида\* келтирилган рўйхатга мувофиқ ички ишлар органларининг алохида мутахассислик талаб этиладиган лавозимларига ушбу мутахассисликка эга бўлган номзодларгина танлов асосида (бундан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасидаги рўйхатга мувофиқ тор ихтисослик бўйича мутахассисликлар талаб этиладиган лавозимлар учун номзодлар мустасно) қабул қилинади;

г) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида\* келтирилган рўйхатга мувофиқ

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

ички ишлар органларининг айрим бўлинмалари ва лавозимларига ўттиз ёшдан катта бўлган фуқаролар қабул қилиниши мумкин;

д) қўйидаги номзодлар, истисно тариқасида, танлов тадбирларининг саралаш босқичидаги тест синови ва жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашдан озод қилинади:

илмий даражажа ёки илмий унвонга эга бўлган номзодлар;

олий таълим муассасаларини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар;

профессор-ўқитувчи ва илмий таркиб лавозимларига номзодлар;

эксперт-криминалистика, иш юритиш, киберхавфсизлик, ахборот технологиялари, таҳлилий ва юридик таъминлаш бўлинмаларига номзодлар;

спорту мусобақаларининг (Олимпия спорт турлари бўйича Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охирги тўрт йилда ҳамда республика чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб ва совриндор (1 – 3 ўрин) индивидуал турларида ғолиб чиқсан номзодлар;

талабалар, магистрлар ёки докторантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳиби бўлган номзодлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган Ахолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиши тартиби тўғрисидаги низомга асосан, ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ахолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларининг маҳсус талабларини муваффақиятли бажарган (1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари) фуқаролар бир йил мобайнида танловнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидан озод қилинади ҳамда уларга ушбу босқич бўйича максимал баҳо берилади.

5. Хизматга қабул қилишда номзодлар бўйининг баландлиги қўйидаги маҳсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади (бундан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган лавозимлар бўйича номзодлар мустасно):

эркак жинсидаги номзодларнинг бўйи — 165 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак;

аёл жинсидаги номзодларнинг бўйи — 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак.

Мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида\* келтирилган рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан баён матнда Ички ишлар вазирлиги деб юритилади) Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл харакати хавфсизлиги хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг айрим лавозимларига номзодлар бўйининг баландлиги алоҳида антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади.

6. Танлов тадбирларининг исталган битта босқичидан ўта олмаган номзодга уни такроран топширишга, шунингдек танлов тадбирларининг кейинги босқичига ўтишга рухсат берилмайди.

7. Танлов тадбирлари давомида фахрийлар кенгаши аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва номзодларнинг яқин қариндошлари (бундан

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

буён матнда жамоатчилик вакиллари деб юритилади) иштирок этишлари мумкин.

Бунда, жамоатчилик вакиллари саралаш тадбирларини ўтказиш жараёни ва унинг натижаларидан норози бўлган тақдирда танловнинг тегишли комиссияси раисига ёзма равишда мурожаат қилишлари ва ўз таклиф ҳамда эътиrozларини билдиришлари мумкин. Жамоатчилик вакилларининг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

## **2-боб. Танлов тадбирларини ташкиллаштириш**

8. Хизматга муносиб номзодларни танлаб олиш мақсадида мунтазам равиша тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади, оммавий ахборот воситаларида ҳамда ички ишлар органларининг расмий нашрлари, веб-сайтларида бўш лавозимлар тўғрисида, шунингдек танлов ўтказилишидан камида уч ой олдин танлов ўтказиш жойи ва кунлари тўғрисида эълонлар жойлаштирилади.

9. Жамоатчилик вакиллари танловларни реал вақт режимида (онлайн) кузатиб боришлари учун танлов тадбирлари видеокузатув (онлайн трансляция) остида ўтказилади.

10. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари (бундан буён матнда ички ишлар органлари бошлиқлари деб юритилади) буйруғи билан мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига\* мувофиқ таркибда, аъзолари сони ток сондан иборат бўлган Танлов тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари (бундан буён матнда Қабул комиссияси деб юритилади) тузилади.

Танловлар шаффоф ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Қабул комиссияси фаолиятида иштирок этиш учун ихтиёрийлик асосида жамоатчилик вакиллари таклиф этилиши мумкин.

11. Ички ишлар органлари бошлиқларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича тегишли ўринбосарлари Қабул комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қиласи ва қуидагиларни амалга оширади:

Қабул комиссияси ишини ташкиллаштиради ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини таъминлайди;

Қабул комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласи;

Қабул комиссияси таркибидаги кичик комиссияларни шакллантиради ва таркибини тасдиқлайди;

кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қиласи;

танловларни видеокузатув қурилмалари орқали реал вақт режимида (онлайн) кузатиб бориш имконияти яратилишини ташкиллаштиради.

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Қабул комиссияси таркибида қўйидаги йўналишлар бўйича кичик комиссиялар тузилади:

тегишли соҳавий хизмат раҳбарлари ҳамда кадрлар билан таъминлаш бўлинмаси раҳбар ва ходимларидан иборат таркибида тузиладиган номзодларни дастлабки ўрганиш бўйича кичик комиссия;

касбий тайёргарлик, шахсий хавфсизлик, тиббиёт бўлинмалари, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари ва соҳавий хизмат ходимларидан иборат таркибида тузиладиган жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссия;

мутахассис-психолог-полиграфологлар ва бевосита уларнинг бошлиқларидан иборат таркибида тузиладиган интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш ҳамда психофизиологик (полиграф) текширув бўйича кичик комиссиялар.

13. Танловлар номзоднинг хоҳишига кўра, давлат, қорақалпоқ ёки рус тилларида ўтказилади.

14. Танлов тадбирлари қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) саралаш босқичи:

рўйхатдан ўтиш;

дастлабки ўрганиш (Низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган талабларга мос келишни текшириш);

интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш (бундан буён матнда психологик ўрганиш деб юритилади);

тест синови (Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, хуқуқшунослик ва тарбия фанлари бўйича билимларни баҳолаш);

жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;

б) ўрганиш босқичи:

хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида ҳарбий-тиббий комиссия кўригидан ўтказиш;

психофизиологик (полиграф) текширув (ички ишлар органларида хизмат қилиш учун тўсқинлик қиласидаган салбий омилларни аниқлаш мақсадида).

### **3-боб. Танловнинг саралаш босқичида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш**

15. Танлов тўғрисида эълонлар берилгандан сўнг, хизматга кириш истагини билдирган номзодлар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги ички ишлар организнинг расмий веб-сайти (бундан буён матнда веб-сайт деб юритилади) орқали рўйхатдан ўтади.

Бунда, номзодлар веб-сайтга ўзининг паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотларини киритади.

Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва олий таълим муассасалари га (Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Малака ошириш институтига), шунингдек Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига хизматга кириш истаги бўлган номзодлар, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан катъий назар, тегишлилигига кўра, Ички ишлар вазирлиги марказий ап-

парати, олий таълим муассасалари (Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Малака ошириш институти) ёки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг расмий веб-сайтлари орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

16. Рўйхатдан ўтиш жараёнида номзодларга веб-сайт орқали Низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган талаблар эслатиб ўтилади.

17. Рўйхатдан ўтган номзодларга навбатдаги танлов тадбирлари бошланнишидан беш иш куни олдин тегишли ички ишлар органлари томонидан саралаш тадбирларининг бошланиш вақти ва жойи ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабар берилади.

#### **4-боб. Номзодларни дастлабки ўрганиш**

18. Рўйхатдан ўтган ва дастлабки ўрганиш учун ҳозир бўлган номзодларнинг Низомда белгиланган умумий талаблар ва мазкур Йўриқноманинг 5-бандида назарда тутилган талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида дастлабки ўрганиш бўйича кичик комиссия (бундан буён мазкур бобда кичик комиссия деб юритилади) томонидан номзодларни дастлабки ўрганиш ишлари амалга оширилади ҳамда уларнинг бўйи ўлчанади.

19. Номзоднинг бўйи талабга жавоб бермаган ҳолларда, унга дастлабки ўрганиш тадбирларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

20. Дастлабки ўрганиш давомида Низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган талабларга мос деб топилган номзодлар шу вақтнинг ўзида сұхбатдан ўтказилади.

21. Сұхбат кичик комиссиянинг сұхбат ўтказилишига масъул бўлган аъзоси (аъзолари) томонидан номзодга Низом ва мазкур Йўриқнома талаблари, унинг хуқуқ ва мажбуриятлари, хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар ва имтиёзлар, хизматнинг заарли ва хавфли жиҳатларини тушунтириш ҳамда номзоднинг хизматга кириш истаги бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

22. Кичик комиссия томонидан номзодни дастлабки ўрганиш босқичида ўтказилган тадбирлар натижалари умумлаштирилиб, шу куннинг ўзида номзодни танловнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида хulosा чиқарилади.

Бунда, номзоднинг бўйи талабга жавоб берганда ҳамда номзод хизматга кириш истагини билдирган ҳолларда, шунингдек номзод Низомда белгиланган талабларга жавоб берганда кичик комиссия томонидан номзодни кейинги босқичга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак.

#### **5-боб. Номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш**

23. Танловнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини аниқлаш мақсадида психологик ўрганиш ўтказилади.

24. Номзодларни психологик ўрганиш психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

25. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари ва жавоблар бланкалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Психологик тестлар номзодларнинг қўйидаги психологик хусусиятларни аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковат, умумий интеллектуал салоҳият ва хотира;

мантиқий фикрлаш, зийраклик, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилияти;

шахсга хос индивидуал хусусиятлар, киришимлилик, психик турғунлик, самимийлик.

26. Психологик тестлар ва уларнинг жавоблари Қабул комиссияси котибда сақланади, котиб тестлар ва уларнинг жавоблари ошкор қилинmasлиги учун масъюл ҳисобланади.

27. Психологик ўрганиш бошланишидан аввал номзодлар интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш бўйича кичик комиссия (бундан бўён мазкур бобда кичик комиссия деб юритилади) аъзолари томонидан психологик ўрганишни ўтказиш тартиби, ҳар бир вазифа бўйича назарда тутилган баҳолаш мезонлари билан таништирилади.

28. Номзодлар психологик ўрганиш ўтказиладиган хонага ўзининг биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда киритилади.

29. Тест синовлари ўтказилаётган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор ҳамда бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

30. Номзодлар барча ҳаракатларни комиссия аъзолари кўрсатмаларига мувофиқ бажаради. Мазкур кўрсатмаларга амал қилмаган номзод хонадан чиқариб юборилади ҳамда у тест синовларини бажармаган ҳисобланади. Бунда, номзодга тест синовларини такrorан топширишига, шунингдек танлов тадбирларининг кейинги босқичига ўтишига рухсат берилмайди.

31. Номзодлар билан тест синовлари якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин. Тест гуруҳ таркибида ўтказилганда, хонада номзодлар сони 30 нафардан ошмаслиги зарур.

32. Тест бошлангунга қадар номзодлар соғлигининг ҳолати суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар шу куни тест синовига қўйилмайди. Бундай ҳолларда номзодга бошқа куни, лекин уч иш кунидан кечикмай қайта тест синовидан ўтишига рухсат берилади.

33. Психологик ўрганиш давомида номзодларга икки қисмдан иборат бўлган тест асосида вазифалар берилади.

Бунда, биринчи қисмда (интеллектуал ривожланганлик даражасини ўрганиш) номзодларга 10 та топшириқдан иборат бўлган 2 та вазифа, иккинчи қисмда эса, (психоэмоционал барқарорлик даражасини ўрганиш) 71 та саволдан, шунингдек жавобларнинг самимий ёки носамимийлигини аниқлаш ўйналиши бўйича бериладиган 15 та саволдан иборат 1 та вазифа берилади.

34. Номзодга берилган вазифаларни бажариш учун 55 дақиқа, шунингдек ҳар бир вазифани ўқиб чиқиш учун қўшимча 5 дақиқадан — умумий 1 соат 10 дақиқа вақт берилади.

35. Саволларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, жавоб вариантлари берилиши ёки берилмаслиги мумкин. Номзодлар тест саволларига жавоб вариантларини белгилашда жавоблар варақасидаги вариантлардан фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.

36. Тест синовларини топшириш вақтида номзоднинг хонадан чиқиши тақиқланади, бундан номзоднинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар мустасно.

37. Тест синовларини ўтказиш вақтида синовлар ўтказилаётган хонада номзодлар ҳамда кичик комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

38. Номзоднинг психологик тест саволларига берган жавоблари мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига\* мувофиқ психологик тест натижаларини ҳисоблаш мезонлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

39. Психологик тестларни бажармаган, шунингдек тест натижалари қониқарсиз баҳоланган номзодларга синовни қайта топширишга руҳсат берилмайди.

40. Тест синовининг натижалари бўйича, у ўтказилган куннинг ўзида кичик комиссиянинг психологик ўрганиш тадбирларида иштирок этган аъзолари томонидан мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва имзоланади.

Психологик ўрганишнинг умумий натижалари қайднома расмийлаштирилган куннинг ўзида номзодларга эълон қилиниши лозим.

41. Психологик ўрганиш натижаларига асосан қўйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

ички ишлар органларида хизматга тавсия этиш хақида;

ички ишлар органларида хизматга тавсия этмаслик хақида.

42. Психологик ўрганиш натижаларига кўра, ички ишлар органларида хизматга тавсия этилган номзодларгина тест синовига қўйилади.

## **6-боб. Тест синови**

43. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, хукуқшунослик ва тарбия фанлари бўйича номзодларнинг билимларини баҳолаш мақсадида тест синови ўтказилади.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (бундан буён матнда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш натижалари асосида тест синовига қўйилган номзодларга тест синови ўтказиладиган жой ва вақт хақида ушбу синов ўтказилишидан уч кун олдин Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан хабар берилади.

Тест синовлари натижаларига кўра тўпланиши мумкин бўлган умумий 189 баллдан камида 134 балл тўплаган номзодлар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичига ўтган деб ҳисобланади.

\* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

44. Тест топшириқлари китоби ҳар бир фандан 30 та топшириқни ўз ичига олади ва ҳар бир тўғри жавоб учун қўйидагича балл берилади:

хуқуқшунослик фани бўйича ҳар бир тўғри жавоб учун — 3,1 балл ва жами — 93 балл;

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича ҳар бир тўғри жавоб учун — 2,1 балл ва жами — 63 балл;

тарбия фани бўйича ҳар бир тўғри жавоб учун — 1,1 балл ва жами — 33 балл.

45. Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тақдим этилган тест синовлари натижалари асосида Қабул комиссияси котиби томонидан мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

46. Қайднома Қабул комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланиб, тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади ҳамда тегишли ички ишлар органлари томонидан тест синовлари натижалари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тақдим этилган кундан бошлаб, икки иш куни ичida веб-сайтга жойлаштириш орқали номзодларга маълум қилинади.

### **7-боб. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш**

47. Саралаш босқичининг тест синовидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида улар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашдан ўтказилади.

48. Номзодлар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларини бажаришни бошлашидан олдин уларга жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссия (бундан буён мазкур бобда кичик комиссия деб юритилади) аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

49. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш уларнинг мазкур бобда назарда тутилган машқларни бажаришларини текшириш орқали амалга оширилади.

50. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбири бошланишидан олдин номзод кичик комиссиянинг масъул аъзоларига ўзини биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда таништиради.

51. Номзодлар машқларни спорт кийимида бажаришлари тавсия этилади.

52. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

53. Қўйидагилар эркак жинсидаги номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқи — тўсинда (турнирда) тортилиш;

тезликка оид машқ — 100 метрга югуриш;

\* 8-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чидамлиликка оид машқ — 3 000 метрга югуриш.

54. Қүйидагилар аёл жинсидаги номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқи — куч ишлатиш машқлари комплекси;

тезликка оид машқ — 100 метрга югуриш;

чидамлиликка оид машқ — 1000 метрга югуриш.

55. Жисмоний тайёргарлик машқлари қўйидаги кетма-кетлиқда бажарилади:

биринчи навбатда — куч ишлатиш машқлари;

иккинчи навбатда — тезликка оид машқлар;

учинчи навбатда — чидамлиликка оид машқлар.

56. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

57. 100 метрга югуриш машқи стадионнинг югуриш йўлакчасида ёхуд қаттиқ қопламали текис жойларда юқори ёки қўйи стартдан қўйидагича амалга оширилади:

«Старт» командаси бўйича старт олиш чизигига яқинлашиш;

«Дикқат» командаси бўйича тананинг оғирлигини олдинда турган оёққа ўтказиш, гавда ва бошни олдинга эгиш, қўлларни тирсакка букиш;

«Олга» командаси бўйича югуришни бошлаш.

58. Қўйидагилар тўсинда (турникда) тортилиш машқига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

бош бармоқ тўсин ичкарисидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғриланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

иляк тўсиндан (турникдан) ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этиши мумкин);

оёқларни  $45^{\circ}$  гача кўтаришга рухсат этилади.

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

59. 3000 ва 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчасида ёхуд қаттиқ қопламали текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин. Бунда, югуриш ҳудудидан чиқиб кетган ёки югуришдан юриш ҳолатига ўтган иштирокчи машқни бажармаган ҳисобланади.

60. Номзод томонидан куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда 1 дақиқа ичida 2 та машқ узлуксиз бажарилиши керак.

Хар бир машқни бажариш учун 30 сониядан вақт ажратилади. Биринчи машқни бажариш учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилинганда, номзод дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришади.

61. Қўйидагилар биринчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

чалқанча ётилади;

кўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёклар тўпик қисмидан бошқа бир шахс ёрдамида босилиб, ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига текканидан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва оёкларни тепага кўтариш тақиқланади.

62. Қуйидагилар иккинчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар хисобланади:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўллади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда, бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилганидан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

63. Мазкур бобда назарда тутилган машқларни бажариш тартибини бузган номзодга шу машқ бўйича баҳо қўйилмайди.

64. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига\* мувофиқ амалга оширилади. Бунда, номзодга ҳар бир машқни бажарганлик учун баҳо қўйилади.

65. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари ўтказилган кундан кейинги кундан кечиктирмай унинг натижалари бўйича мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилди ва натижалар номзодларга эълон қилинади.

66. Қайднома кичик комиссиянинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади.

67. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан фақат «яхши» ва «аъло» баҳо олган номзодлар ўрганиш босқичига ўтказилади.

## **8-боб. Номзодлар ҳужжатларини расмийлаштириш ва номзодларнинг тиббий текшируванин ўтказиш**

68. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги ички ишлар органига мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат этади.

69. Номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йифмажилларини расмийлаштириш кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

70. Ҳужжатларида камчилик аниқланган номзодга ушбу камчиликни бартараф этиши кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари томонидан тушунтирилади.

71. Ҳужжатларни йифиш жараёни билан бир вақтда номзодларга хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари томонидан ҳарбий-тиббий комиссияга йўлланма берилади.

\* 9 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

72. Саралаш босқичидан муваффакиятли ўтган номзодларни тиббий текширувдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертиза ни ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

### **9-боб. Номзодларни психофизиологик (полиграф) текширувдан ўтказиш тартиби**

73. Тиббий текширув натижаларига кўра хизматга яроқли деб топилган номзодлар ички ишлар органларида хизмат қилиш учун тўсқинлик қила-диган салбий омиллар мавжудлигини аниқлаш мақсадида психофизиологик (полиграф) текширувдан (бундан буён матнда полиграф текшируви деб юритилади) ўтказилади.

74. Полиграф текширувани ўтказишида ҳар-хил турдаги стимуллар (са-воллар, фотосуратлар) кетма-кетликда тақдим этилганда одам организмидаги физиологик қўрсаткичларни (параметрларни) қайд этишга мўлжалланган психофизиологик қурилма — полиграфдан фойдаланилади.

75. Полиграф текшируви ушбу текширувни ўтказиш ва у бўйича хulosса бериш ҳуқуқига эга маъсъул шахс — полиграфолог томонидан амалга оширилади.

76. Номзодлар полиграф текшируви ўтказиладиган хонага ўзининг биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини қўрсатган ҳолда киритилади.

77. Полиграф текшируви қўйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

а) полиграфолог ва номзод ўртасида психологияк алоқа ўрнатиш, полиграф текширувани ўтказиш тартибини, полиграф мосламаларининг (тугмалар) хусусиятларини тушунтириш мақсадида номзод билан текширув олди сухбат ўтказиш;

б) номзодга полиграфнинг мосламаларини (тугмаларни) ўрнатиш;

в) полиграф текширувани ўтказиш (номзод билан савол-жавоб);

г) текширув якуни бўйича номзод билан қайта сухбат ўтказиш (номзоднинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш);

д) полиграф текшируви натижаси бўйича хulosса тайёрлаш.

78. Қўйидаги ҳолларда полиграф текширувани ўтказиш тўхтатилади:

полиграф текшируви вактида номзоднинг соғлиғи ёки руҳий ҳолати ёмонлашганда;

номзод ўз хоҳиши билан полиграф текширувани давом эттиришдан бош тортганда.

Бунда, номзод ўз хоҳиши билан полиграф текширувани давом эттиришдан бош тортган ҳолларда унга полиграф текширувани қайта топширишга руҳсат берилмайди ва бу ҳақда шу куннинг ўзида номзодга хабар берилади.

79. Полиграф текшируви вактида номзоднинг соғлиғи ёки руҳий ҳолати ёмонлашганлиги сабабли полиграф текширувани ўтказиш тўхтатилганда, кичик комиссия томонидан номзодга бошқа куни, лекин уч иш кунидан кечикмай полиграф текширувидан ўтиш учун руҳсат берилади.

80. Полиграф текшируви ўтказилаётганда хонада номзод ва полиграфологдан бошқа шахслар бўлишига йўл қўйилмайди.

81. Номзодга полиграф мосламалари (тугмалари) ўрнатилгандан сўнг уни хизматга қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи маълумотлар бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида 3 тадан 10 тагача саволлар берилади.

Номзод ҳар бир саволга самимийлик билан «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб бериши зарур.

Номзоднинг жавоблари бўйича полиграф мосламаларининг (тугмалари-нинг) хар биридан олинган кўрсатгич (маълумот)лар полиграфолог томонидан уч баллик тизим асосида (0 дан 2 баллгacha) алоҳида баҳоланади.

Бунда, полиграфолог томонидан номзоднинг организмидағи реакция тахлил қилинади ва у қўйидагича баҳоланади:

номзоднинг организмидағи реакция кучли бўлса — 2 балл;

номзоднинг организмидағи реакция ўрта даражада бўлса — 1 балл.

номзоднинг организмидағи реакция аниқланмаса — 0 балл.

82. Полиграфолог томонидан номзодларни полиграф текшируви натижалирига асосан қўйидаги хуносалардан бири чиқарилади:

номзод унга берилган саволлар бўйича ўрта арифметик ҳисобда 80 фоиздан юқори балл тўпласа, уни хизматга қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида;

номзод унга берилган саволлар бўйича ўрта арифметик ҳисобда 80 фоиз ва ундан кам балл тўпласа, уни хизматга қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида.

Бунда, ушбу хуноса полиграфолог томонидан психофизиологик (полиграф) текшируви ўтказилган куннинг ўзида тайёрланади ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмасига тақдим этилади.

## **10-боб. Хизматга қабул қилиш ҳамда уларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш**

83. Қабул комиссияси котиби томонидан танлов тадбирлари давомида расмийлаштирилган барча ҳужжатлар (дастлабки ўрганиш варақалари, қайдномалар ва комиссия баённомаларининг нусхалари) ҳамда ҳар бир номзоднинг танлов тадбирларидағи натижалари мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига\* мувофиқ шаклда чоп этилади ва номзоднинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига бириктириб қўйилади.

Бунда, тегишли ички ишлар органлари томонидан веб-сайтга жойлаштириш орқали танлов натижалари номзодларга маълум қилинади.

84. Танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтиб, энг юқори балл тўплаган номзодлар мавжуд бўш лавозимлар сонини ҳисобга олган ҳолда хизматга қабул қилиниб, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида ташкил этиладиган бошланғич касбий тайёргарлик курсларига юборилади.

85. Танловдан ўтмаган номзодлар бўйича танлов тадбирлари давомида расмийлаштирилган барча ҳужжатлар ҳамда танловнинг барча босқичлари

\* 12-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

акс этган видеотасвир материаллари кадрлар билан таъминлаш бўлинмаларида беш йил муддат давомида сақланади, кейин эса далолатнома асосида йўқ қилинади.

86. Танлов тадбирлари бошланишидан олдин саралаш ва ўрганиш босқичлари натижалари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун Қабул комиссияси раисининг бўйруғига асосан ички ишлар органларининг камидаги беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Саралаш ва ўрганиш босқичларида танлов тадбирларини ўтказишга масъуль бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл кўйилмайди.

87. Номзодлар томонидан ариза ва шикоятлар танловнинг тегишли тадбири бўйича натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда беришлари мумкин.

88. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафта ичидаги кўриб чиқади. Номзод апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш хукуқига эга.

Апелляция кўриб чиқиладиган кун ҳақида номзодга уч кун олдин хабар берилади.

89. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камидаги учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

90. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида номзодга уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл кўйилмайди.

91. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

дастлабки ва психологик ўрганиш, тест синови, полиграф текширув ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

дастлабки ва психологик ўрганиш, тест синови, полиграф текширув ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш натижаларига ўзгартириш киритиш.

Апелляция шикоятини кўришда номзоднинг синов натижасида олган балини пасайтиришга йўл кўйилмайди.

92. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзодга ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

93. Апелляция комиссиясининг психологик ўрганиш, тест синови, полиграф текширув ва жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш натижаларига ўзгартириш киритиш ва номзодни Ушбу танлов тадбирларини муваффақиятли топширган деб топиш тўғрисидаги қарори асосида у кейинги босқичга ўтказиш учун тавсия этилади.

94. Апелляция комиссияси қарори устидан номзод юкори турувчи организга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

**11-боб. Якуний қоида**

95. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги  
601-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 марта даги 52-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3352, 2022 йил 9 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.03.2022 й., 10/22/3352/0199-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 24 октябрдаги 450-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3352-1, 2022 йил 11 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.11.2022 й., 10/22/3352-1/1013-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА  
 ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**505** «Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши на-  
тижасида етказиладиган заарни аниқлаш ҳамда ушбу  
холатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан  
жарималар қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
ўзгартришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон «Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2006 йил 27 ноябрдаги 11-1481, 10/8, 91-сон «Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган заарни аниқлаш ҳамда ушбу холатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1647, 2006 йил 25 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 522-модда) иловага мувофиқ ўзгартришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Экология, атроф-мухитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши вазири**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 ноябрь,  
МҲ-16-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 декабрда эълон қилинган.

**Қишлоқ хўжалиги вазири**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 ноябрь,  
01/24-09-305-сон

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 ноябрь,  
88-сон

Ўзбекистон Республикаси  
 Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш  
 ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ  
 хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва  
 молия вазирлигининг 2023 йил 23 ноябрдаги  
 МХ-16, 01/24-09-305 ва 88-сон қарорига  
 ИЛОВА

**«Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида  
 етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир  
 этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар  
 қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
 киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидан «ва 2006 йил 17 майдаги «2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўфишириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-351-сон қарорининг 4-банди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 майдаги «2005 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўфишириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-76-сон ва 2006 йил 17 майдаги «2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўфишириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-351-сон қарорларининг 4-бандларига мувофиқ,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг ўн олтинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 7 ва 8-бандлардаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 9-бандда:

«а» ва «б» кичик бандлардан «, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш» деган сўзлар «Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Экология» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**506** «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-9*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 сентябрдаги 481-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига фуқароларнинг пенсия таъминотига оид миллий қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Ҳукуматнинг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буораман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 ноябрь,  
84-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
13 ноябрдаги 84-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2282, 2011 йил 27 ноябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 483-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 23 августдаги 61-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартериш киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2282-1, 2012 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 36-сон, 417-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 24 июндаги 45-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2282-2, 2014 йил 8 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 347-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 10 декабрдаги 82-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқноманинг 51-бандига ўзгартериш киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2282-3, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 615-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 11 майдаги 28-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2282-4, 2016 йил 6 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 270-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 июлдаги 108-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқноманинг 48-бандига ўзгартериш киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2282-5, 2017 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 751-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 29 майдаги

67-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги бўйруфи (рўйхат рақами 2282-6, 2019 йил 17 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.06.2019 й., 10/19/2282-6/3292-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдағи 99-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартеришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги бўйруфи (рўйхат рақами 2282-7, 2019 йил 3 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2019 й., 10/19/2282-7/3850-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 мартағи 12-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги бўйруфи (рўйхат рақами 2282-8, 2020 йил 20 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2020 й., 10/20/2282-8/0478-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**507** Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидала-рини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3482*

Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ буюраман:

1. Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 7 декабрь,  
21-мҳ-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 7 декабрдаги  
21-мҳ-сон бўйруғига  
1-ИЛОВА

**Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой  
номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун  
талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда кўйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Қонун** — Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни;

**Вазирлик** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

**Давлат муассасаси** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси;

**талабнома** — товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома;

**товар келиб чиққан жой номи** — мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг (бундан буён матнда жўғрофий обьект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг биримаси билан белгиланадиган номи;

**Реестр** — Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестри.

**2-боб. Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб  
чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш  
учун талабномаларни тузиш ва топшириш**

**1-§. Талабнома**

2. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатга олинадиган белги жўғрофий обьектнинг замонавий номи, ушбу обьектнинг тарихий номи ёки улардан келиб чиққан ном бўлиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатга олинадиган белги қўшимча равишда товарнинг турига оид белгини кўрсатиб туриши мумкин.

3. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатга олинадиган белгилар, агар уларнинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур

жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни англатиш учун ишлатилса, товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ қўйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас:

а) товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

б) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа худудда чиқарилаётганлиги ҳақида янгилик тасаввур берувчи белгилар;

в) товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

г) шу турдаги товарга нисбатан товар келиб чиққан жой номи ёки географик кўрсаткич сифатида рўйхатдан ўтказилган белгилар.

5. Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабномаларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

а) товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома;

б) аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома.

6. Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар келиб чиққан бир жой номига таалукли бўлиши лозим.

7. Талабнома қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги ариза (бундан бўён матнда ариза деб юритилади);

б) талабномада кўрсатилган белги;

в) товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган холда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёхуд аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

8. Талабномага қўйидагилар илова қилиниши керак:

а) талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

б) талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи хужжатлар;

в) чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиқсан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиқсан мамлакатда фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжат.

9. Талабнома берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари томонидан патент божи тўланганлиги қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан Вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан талабномага белгиланган миқдорда патент божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати илова қилинади.

## **2-§. Талабноманинг таркиби**

10. Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида\* келтирилган шаклга мувофиқ топширилади.

Аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш учун талабнома мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида\* келтирилган шаклга мувофиқ топширилади.

Талабнома Вазирликка келиб тушгандан кейин реквизитлар киритилиши учун «Талабнома» сўзидан юқорида жойлашган графалар талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди.

Агар маълумотлар қўплиги сабабли, уларни тегишли графаларда тўлиқ жойлашириш имкони бўлмаса, улар ўша шакл бўйича қўшимча варақда келтирилади ва талабноманинг тегишли графасида «давоми қўшимча варақда» деб кўрсатилади.

11. «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи (талабнома берувчилар) тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми) келтирилади, бунда фамилия исмдан аввал кўрсатилади. Талабнома берувчининг номи давлат тилида кўрсатилади.

Шунингдек, талабномада талабнома берувчининг почта манзили, шу жумладан мамлакатнинг расмий номи, телефон ва факс рақамлари ҳамда электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

12. Ўз номларига товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш ва/ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш сўралаётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари учун Корхона ва ташкилотнинг умумдавлат таснифи коди (КТУТ коди) (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади. Агар бундай код мавжуд бўлмаса, талабноманинг тегишли жойида «мавжуд эмас» деб кўрсатилади.

13. Ўз номларига товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш ва/ёки товар келиб

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

чиқкан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш сўралаётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган (жойлашган) чет эл жисмоний (юридик) шахслари учун Бутунжахон интеллектуал мулк ташкилотининг (БИМТ) ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди кўрсатилади (агар мавжуд бўлса).

14. «Ёзишмалар олиб бориш учун манзил» графасида ёзишмалар олиб бориш учун почта индекси кўрсатилган манзил, хат олувчининг исми ёки номи, телефон, факс рақамлари ва электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади. Ёзишмалар олиб бориш учун манзил сифатида Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи талабнома берувчи-жисмоний шахснинг яшаш манзили, Ўзбекистон Республикасида жойлашган талабнома берувчи-юридик шахснинг жойлашган жойи ёхуд Вазирликда рўйхатдан ўтказилган патент вакилининг манзили кўрсатилиши мумкин.

15. «Патент вакили» графаси талабнома берувчи томонидан патент вакили тайинланган ҳолда тўлдирилади ва у ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, Вазирликда рўйхатдан ўтказилган рақами) келтирилади.

«Патент вакилининг манзили» графасида патент вакилининг почта индекси кўрсатилган манзили, телефон, факс рақамлари ва электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) келтирилади.

16. «Талабнома берилган белги» графасида талабнома берилган белги одатдаги шрифтда ёзилган ҳолда келтирилади.

17. «Товар тури ёки муайян товар» графасида Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбохисига мувофиқ товар келиб чиқкан жой номи учун мўлжалланган товар (товарлар) кўрсатилиши керак. Бунда, алоҳида хусусиятларга жўғрофий объектнинг (тамомила ёки асосан) табиий шароитлари ва/ёки бошқа омиллари асосида эга бўлган, ҳақиқатда ишлаб чиқарилаётган товарларгина кўрсатилиши лозим.

18. Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбохисига мувофиқ тақдим этилаётган тавсифда белгиси рўйхатдан ўтказилаётган товарнинг ўзига айнан ўхшаш товарлардан фарқлайдиган алоҳида хусусиятлари рўйхати келтирилади. Бунда, товарнинг алоҳида хусусиятлари ушбу жўғрофий объект учун хос бўлган табиий шароитлар ва/ёки бошқа омилларга боғлик эканлиги англашилиши керак.

Товарнинг хусусиятлари умум қабул қилинган маҳсус терминологияга мувофиқ аниқ ва равshan таърифланиши лозим.

Тавсиф ахборот кўринишида бўлиши, хусусан ушбу жўғрофий объектда хом ашёнинг, тегишли иқлим, геологик ёки бошқа табиий шароитларнинг ҳамда товарни анъанавий усулда тайёрлай оладиган одамларнинг (жамоатнинг) мавжудлигини кўрсатиши лозим.

19. Маъданли сувнинг алоҳида хусусиятларини тавсифлашда ушбу Қоидаларнинг 8-банди «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатларда товарнинг ўзига хослигини хисобга олган ҳолда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) органолептик хусусиятлари (таъми, ранги, ҳиди ёки ушбу хусусиятларнинг мавжуд эмаслиги);

б) ион таркибининг қисқача таърифи («дан» «гача» оралиғида берилиши зарур);

в) маъданлашганлиги;

г) газ таркиби, микроэлементлар, радиоактив элементлар, органик моддалар, фаол реакциянинг ва оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг таърифи;

д) бальнеологик хусусиятлари.

20. Талабномада товар ишлаб чиқарилаётган жой кўрсатилиши лозим. Товар ишлаб чиқарилаётган жой жўрофий обьектнинг чегараларини кўрсатиш йўли билан тавсифланиши мумкин. Жўрофий обьектнинг чегаралари координаталар, жойнинг табиий чегаралари — дарёлар, тоғлар, кўллар кўрсатилган ҳолда, маъмурий чегаралар, кўп йиллик иншоотлар, коммуникациялар ёрдамида тавсифланиши мумкин.

21. «Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати» графаси тегишли катақчаларда «Х» белгисини кўйиб чиқиши орқали ва илова қилинаётган ҳужжатлардаги варақлар сони кўрсатилган ҳолда тўлдирилади. Талабнома шаклида кўзда тутилмаган ҳужжатлар илова қилинганда, уларнинг аниқ мақсади «бошқа ҳужжат» ўрнида кўрсатилади.

22. Қонуннинг 9-моддаси учинчи қисми тўртинчи хатбоисига мувофиқ талабномага илова қилинадиган ҳужжатларда талабнома берувчи кўрсатилган жўрофий обьектда жойлашганлиги, шунингдек алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товар ишлаб чиқараётганлиги тасдиқланган бўлиши керак. Бунда, ушбу ҳужжатлар товарни тайёрловчининг номи товарни белгилаш учун қўлланган жўрофий обьектнинг чегараларида жойлашганини тасдиқлайдиган ташкилот томонидан тақдим этилиши лозим.

Бунда, мазкур ҳужжатлар битта ёки бир неча ташкилотлар томонидан тақдим этилиши мумкин (масалан, талабнома берувчининг яшаш ёки жойлашган жойи, шунингдек ваколатли давлат органининг товар ишлаб чиқариш чегаралари ҳақидаги хуносаси ёки товарнинг алоҳида хусусиятлари ҳақида бошқа ташкилотларнинг хуносалари).

23. Қонуннинг 9-моддаси учинчи қисми бешинчи хатбоисига мувофиқ хорижий талабнома берувчининг талабнома берилган товар келиб чиқсан жой номига бўлган хукуқини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида товар келиб чиқсан мамлакатнинг ваколатли давлат органи томонидан берилган, товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжат мазкур Қоидаларнинг 25-банди талабларини инобатга олган ҳолда тақдим қилиниши мумкин.

24. Талабноманинг «Имзо» графасини имзо қўйилган сана кўрсатилган ҳолда тўлдириш мажбурийдир.

Талабнома талабнома берувчи томонидан имзоланади. Юридик шахсномидан талабнома ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади.

Талабнома патент вакили орқали берилганда, талабнома патент вакили томонидан имзоланади.

Имзо имзоловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда очиб берилади.

Талабномада қўшимча варақлар мавжуд бўлса, улар хам худди шу тартибда имзоланади.

### **3-§. Ҳужжатларни тақдим этиш**

25. Талабнома берилган белгини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза давлат тилида тақдим этилади.

Агар талабнома ҳужжатлари хорижий тилда тақдим этилган бўлса, талабномага уларнинг давлат тилидаги таржимаси, талабнома берувчи ёки патент вакилининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда илова қилинади.

Агар хорижий тилдаги талабнома ҳужжатларига уларнинг таржимаси илова қилинмасдан тақдим этилган бўлса, таржима кейинчалик тақдим этилиши мумкин.

Бунда, хорижий тилда топширилган ҳужжатлар, агар уларнинг таржималари ушбу хорижий тилдаги ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб икки ой ичида тақдим қилинса, ҳужжатлар Вазирликка келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади, акс ҳолда ҳужжатлар, уларнинг таржималари келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади.

### **4-§. Талабномани топшириш**

26. Талабнома юридик ва жисмоний шахслар — талабнома берувчилар томонидан Вазирликка ахборот тизими орқали топширилади.

27. Номи товар келиб чиққан жой номи сифатида фойдаланилаётган жўғрофий обьектда жойлашган юридик ва жисмоний шахслар, агар улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар Қонуннинг 5-моддаси талабларига мувофиқ бўлса, улар Қонуннинг 6-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларига биноан товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш учун талабнома топширишлари мумкин.

28. Талабнома бевосита талабнома берувчи томонидан ёки Вазирликда рўйхатдан ўтган патент вакили орқали топширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар ёхуд уларнинг патент вакиллари товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Вазирликда рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Патент вакили орқали топширилаётган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома ёхуд ишончноманинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Вазирлик ва Давлат муассасаси олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекис-

тон Республикасида расмийлаштириладиган ишончнома оддий ёзма шаклда тузилади ва нотариал тарзда тасдиқланиши талаб этилмайди.

Ишончнома талабнома билан бир вақтда ёки талабнома келиб тушган санадан бошлаб икки ойдан кечиктирмай тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган жисмоний шахсга ёки чет эл юридик шахсига вакиллик қилиш учун Вазирликда рўйхатдан ўтказилган патент вакилига ушбу жисмоний ёки юридик шахснинг ўзи томонидан ёхуд уларнинг патент вакили томонидан ишончнома ёки ишончноманинг қонунчилик хужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган нусхаси берилиши мумкин.

Агар ишончнома Вазирликда рўйхатдан ўтказилган бир нечта патент вакиллари номига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга оид ишлар ушбу патент вакилларининг исталган биттаси томонидан олиб борилиши мумкин.

Патент вакилининг ҳар бир ҳаракати талабнома берувчининг ҳаракати сифатида баҳоланади.

**3-боб. Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича ишларни олиб бориш**

**1-§. Вакил тайинлаш**

29. Талабнома топширилгандан кейин у бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқиш давомида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ишончнома берган ҳолда вакил тайинлаши мумкин.

Вазирликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган жисмоний шахслар ёки чет эл юридик шахсларининг вакили бўлиши мумкин.

30. Вакиллик қилиш учун ишончнома талабнома топширилаётган вақтда ёки иш юритиш давомида тақдим этилиши мумкин. Ишончнома талабнома хужжатларига қўшиб қўйилади.

31. Вакилнинг ишончнома топширилгунга қадар амалга оширган ҳаракатлари ҳақиқий эмас деб ҳисбланади ва экспертиза жараёнида инобатга олинмайди. Вакилнинг унга тақдим этилган ваколатлари доирасидаги ҳар қандай ҳаракати ёки Давлат муассасасининг унга нисбатан ҳар қандай ҳаракати талабнома берувчининг ҳаракати ёки талабнома берувчига нисбатан ҳаракат сифатида баҳоланади.

32. Вакил ишончномада кўрсатилган ваколатларидан ишончноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар фойдаланади. Ишончномада кўрсатилган ваколатларни муддатидан аввал тўхтатиш талабнома берувчи томонидан Вазирликка тегишли ариза бериш (ишончномани чақириб олиш) йўли билан амалга оширилиши мумкин.

## 2-§. Вазирлик ва Давлат муассасаси билан ёзишмалар олиб бориш

33. Ёзишмалар талабнома берувчи ёки унинг вакили томонидан ҳар бир талабнома бўйича алоҳида олиб борилади.

Талабнома топширилгандан кейин тақдим этиладиган материалларда талабнома рақами кўрсатилиши ва уларда талабнома берувчи ёки унинг вакилининг имзоси бўлиши шарт. Талабнома рақами кўрсатилмаган материаллар кўриб чиқилмасдан қайтариб юборилади.

34. Вазирлик ва Давлат муассасаси билан ёзишмалар давлат тилида олиб борилади. Талабнома берувчи томонидан хорижий тилда тақдим этилган ҳужжатларга уларнинг давлат тилидаги таржимаси талабнома берувчи ёки патент вакилининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда илова қилинади.

## 3-§. Муддатлар

35. Йилларда ифодаланган ҳар қандай муддат кейинги келадиган йилда, муддатни ҳисоблаш бошланган ой номи ва кун рақами қандай бўлса, худди шу номли ойда ва ўша кунда тугайди, бунда агар кейинги тегишли ой ўша рақамли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охирги кунида тугайди.

36. Ойларда ифодаланган ҳар қандай муддат кейинги келадиган ойда ва муддатни ҳисоблаш бошланган кун рақами нечанчи бўлса, ўша кунда тугайди, бунда агар тегишли ой ўша рақамли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охирги кунида тугайди.

37. Кунларда ифодаланган ҳар қандай муддат кўриб чиқилаётган куннинг кейингисидан ҳисобланиб, сўнгги куннинг охирда тугайди.

38. Агар Вазирлик ва Давлат муассасасига хат-ҳужжатлар келиб тушиши учун ёки патент божи тўланиши учун белгиланган муддатнинг охирги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, ушбу муддат кейинги иш кунигача узайтирилади.

## 4-§. Талабнома ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши

39. Талабнома берувчи ўз ташаббусига кўра талабнома экспертизаси ўтказилаётган даврда қарор қабул қилингунга қадар талабнома ҳужжатларига ўзгартиришлар (кўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар) киритиши мумкин.

Талабнома ҳужжатларига ўзгартиришлар (кўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар) киритиш талабнома берувчи томонидан мазкур Қоидаларнинг 3 ва 4-иловаларида\* келтирилган шаклларга мувофиқ тегишли аризани ахборот тизими орқали Вазирликка топшириш ўёли билан амалга оширилади.

Талабнома берувчи-юридик шахснинг номи ёки талабнома берувчи-жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, Вазирликка ушбу ўзгаришларни тасдиқлайдиган хужжат тақдим этилиши керак.

40. Талабнома берувчи аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичida хабардор қилинади.

\* 3-4-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

41. Талабнома хужжатларига ўзгартиришлар (қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар) киритиш хақидаги аризани кўриб чиққанлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланади. Белгиланган миқдордаги давлат божи тўланмаган тақдирда юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмай турилади ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

Бунда, талабнома берувчи ўзига Давлат муассасаси томонидан билдиришнома юборилган санадан бошлаб уч ой мобайнида давлат божининг етмайтган қисмини тўлаши мумкин.

42. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча хужжатлар мазкур Қоидаларнинг 94 — 97-бандларига мувофик кўриб чиқилади.

### **5-§. Талабнома материаллари билан танишиш**

43. Талабнома берувчи (ёки унинг вакили) топширилган талабнома ва унга оид хужжатлар билан олдиндан Давлат муассасаси билан куни ва соатини келишган ҳолда бевосита Давлат муассасасининг ўзида ёки талабнома хужжатларининг ёхуд уларнинг бирор қисмининг нусхасини сўраб олиш йўли билан танишиши мумкин.

44. Тергов учун зарур бўлган ҳолларда талабнома хужжатлари ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга танишиш учун бепул тақдим этилади.

### **6-§. Талабномани кўриб чиқиши жараёнида экспертиза хужжатлари билан танишиш**

45. Талабнома берувчи экспертиза ўтказиш жараёнидаги хужжатлар билан танишиш ҳукуқига эга.

46. Талабнома берувчига у томонидан сўралган экспертиза ўтказиш жараёнидаги хужжатларнинг нусхалари юборилади.

### **7-§. Талабномани талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқиши**

47. Талабнома билан боғлиқ масалалар, жумладан, талабнома берилган белги, у билан белгиланиши мўлжалланган товар, товарнинг алоҳида хусусиятлари ҳамда унинг жўғрофий обьект табиий шароитлари ёки бошқа омиллари ёхуд бир вақтнинг ўзида табиий шароитлар ва бошқа омилларга боғлиқлиги бўйича қўшимча тушунтиришлар олиш ва талабнома берилган белгининг муҳофаза қилишга яроқлилиги, товар келиб чиққан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини бериш имконияти бўйича экспертизанинг ва талабнома берувчининг позициясими аниқлаш максадида талабнома берувчи (ёки унинг вакили) иштирокида кўриб чиқилади.

48. Талабнома Давлат муассасасининг таклифига ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

Бунда, талабнома бўйича экспертизанинг саволлари Давлат муассасасининг таклифида, талабнома берувчининг саволлари эса унинг илтимосномасида баён қилиниши мумкин.

49. Талабномани талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқиш санаси ва вақти олдиндан келишиб олинади. Бунда, талабнома берувчи белгиланган вақтда талабномани кўриб чиқишида қатнаша олмаслиги маълум бўлса, дарҳол Давлат муассасасини бу ҳақда хабардор қиласи.

Талабнома берувчининг вакили ушбу Қоидаларнинг 28 — 32-бандларида белгиланган талаблар бажарилган тақдирда талабномани кўриб чиқишида иштирок этиши мумкин.

#### **8-§. Талабнома берувчи томонидан қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

50. Давлат муассасасининг сўровномасига кўра талабнома берувчи томонидан қўшимча ҳужжатлар, унга сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичida Давлат муассасасига тақдим этилиши лозим. Бунда, ҳужжатларни тақдим этиш муддати талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига кўра узайтирилиши мумкин.

51. Талабнома берувчининг муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиққанлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

52. Талабнома берувчининг муддатни узайтириш ҳақидаги илтимосномаси талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичida Давлат муассасасига топширилиши керак.

53. Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига сўровнома асосида сўралган ҳужжатларни тақдим этиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида билдиришнома юборилади.

54. Агар талабнома берувчининг муддатни узайтириш ҳақидаги илтимосномаси ушбу Қоидаларнинг 52-бандида белгиланган муддат бузилган ҳолда берилган бўлса, шунингдек патент божи тўланмаган бўлса ёки тўланган патент божи суммаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдордан кам бўлса, сўровнома асосида сўралган ҳужжатларни тақдим этиш муддати узайтирилмайди. Бунда, талабнома берувчига унинг илтимоси рад этилганлиги ҳақида билдиришнома юборилади.

#### **9-§. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш**

55. Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган қўйидаги муддатлар тикланиши мумкин:

а) экспертиза сўровномаси бўйича қўшимча материалларни тақдим этиш муддати;

б) экспертиза сўровномасига жавоб бериш муддати.

56. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан муддат ўтиб кетган кундан эътиборан икки ой

мобайнида муддат ўтказиб юборилганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда Давлат муассасасига топширилади.

57. Талабнома берувчининг ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиққанлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган микдорда патент божи тўланади.

58. Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига ўтказиб юборилган муддат тикланганлиги тўғрисида хабарнома юборилади.

59. Ушбу Коидаларнинг 56 ва 57-бандларида кўрсатилган талаблардан ақалли биттаси бажарилмаган тақдирда, илтимоснома қондирилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабарнома юборилади.

## **10-§. Талабнома берувчи томонидан талабноманинг чақириб олиниши**

60. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ талабнома берувчи талабномани чақириб олиш ҳуқуқига эга.

61. Талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза талабнома кўриб чиқишининг исталган босқичида, бироқ товар келиб чиққан жой номи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатга олинган санадан ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш масаласи ҳал этилган санадан кечикмай топширилиши мумкин.

Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига унинг талабномани чақириб олиш тўғрисидаги аризаси қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган санадан эътиборан талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

62. Чакириб олинган талабнома бўйича юридик аҳамиятга молик харатлар амалга оширилмайди (хусусан, бундай талабнома экспертизаси ўтказилмайди, товар келиб чиққан жой номи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатга олинмайди ва/ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилмайди). Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтикашида чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

## **4-боб. Талабномани кўриб чиқиши**

### **1-§. Келиб тушган талабномани рўйхатга олиш**

63. Вазирликка келиб тушган талабнома хужжатлари, агар ушбу хужжатлар таркибида камида давлат тилида топширилган товар келиб чиққан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ариза мавжуд бўлса, шунингдек талабнома бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган микдорда патент божи тўланган бўлса, улар келиб тушган сана кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

64. Талабномага Вазирликнинг учта ҳарфли ва саккиз хонали рақамли коддан иборат қайд рақами берилади.

Коддаги биринчи ҳарф (J) саноат мулки обьектининг турини — товар келиб чиқсан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни, кейинги икки ҳарф (GU) муҳофаза ҳужжатининг турини — товар келиб чиқсан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномани ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги гувоҳномани билдиради.

Талабнома рақамидаги сонлар талабнома топширилган йилни (катта разряддаги тўртта сон) ва шу йилда келиб тушган талабномалар сериясидаги тартиб рақамини билдиради (кичик разрядли тўртта сон). Ҳар бир йил сериясидаги тартиб рақам 1 (бир)дан бошланади.

65. Рўйхатга олинган талабнома қайтарилимайди.

66. Талабнома тўғрисидаги маълумотлар, талабнома Вазирликка келиб тушгандан бошлаб эълон қилингунга қадар бўлган муддат давомида махфий хисобланади ва ошкор қилинмайди.

## **2-§. Расмий экспертиза**

67. Қонуннинг 14-моддаси биринчи қисмига мувофиқ расмий экспертизанинг ўтказилиш муддати талабнома Вазирликка келиб тушган санадан бошлаб 30 кунни ташкил қиласи. Талабнома берувчига мазкур Қоидаларга мувофиқ сўровнома юборилган тақдирда, бу муддат сўровномада назарда тутилган талаб бажарилгунга қадар бўлган муддатга мутаносиб равишда узайтирилади.

68. Расмий экспертизани ўтказиш мобайнида талабнома ҳужжатларининг таркиби, ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади. Бунда, Давлат муассасаси томонидан ушбу текшириш натижалари бўйича талабномани кўриб чиқишга қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

69. Расмий экспертизани ўтказишда талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ичida қуйидагиларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади:

а) товар келиб чиқсан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ариза;

б) талабнома берувчининг расмий номи (юридик шахс учун) ёки исми, фамилияси, отасининг исми (жисмоний шахс учун) ҳамда манзилининг кўрсатилганлиги;

в) патент вакилининг (агар талабнома у томонидан берилган бўлса) исми, фамилияси, отасининг исми ва манзили;

г) талабномада рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белги;

д) товарни белгилаш учун товар келиб чиқсан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш сўралаётган

товарнинг тури (бунда, товар ишлаб чиқарилаётган жой (жўрофий обьектнинг чегаралари) кўрсатилади);

- е) товарнинг алоҳида хусусиятлари тавсифи;
- ж) патент вакилига берилган ишончнома (ёки унинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган нусхаси);
- з) талабнома берувчи кўрсатилган жўрофий обьектда жойлашганлиги ва алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг биримаси билан белгиланадиган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- и) хорижий талабнома берувчининг товар келиб чиққан мамлакатда унинг томонидан талабнома берилган товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат;
- к) хорижий тилда топширилган ҳужжатларнинг талабномага илова қилинган давлат тилидаги таржимаси.

70. Расмий экспертизани ўтказишда ушбу Қоидаларнинг 69-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг мавжудлиги хамда ушбу 69-банднинг «а», «б», «г», «д» ва «е» кичик бандларида санаб ўтилган ҳужжатларнинг ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

71. Талабнома топширилган сана ушбу Қоидаларнинг 69-банди «а», «б», «г», «д» ва «е» кичик бандларида санаб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар келиб тушган сана ёки, агар ушбу ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаммаси бир вақтда тақдим этилмаган бўлса, охирги ҳужжат ёки маълумот келиб тушган сана бўйича белгиланади.

72. Хорижий тилда топширилган талабнома ҳужжатларининг давлат тилидаги таржимаси (ушбу Қоидаларнинг 69-банди «к» кичик банди) тақдим этилмагунга қадар, талабнома берувчи томонидан ҳужжатлар топширилмаган деб ҳисобланади.

73. Агар расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома ҳужжатлари ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмасдан расмийлаштирилганлиги аниқланса, бу ҳолда талабнома берувчига Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ аниқланган камчиликлар кўрсатилган сўровнома юборилади ва талабнома берувчига сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичida этишмаган ёки тузатилган ҳужжатлар ва/ёки маълумотларни тақдим этиш таклиф қилинади.

74. Агар талабнома берувчи томонидан тақдим этилган жавобда сўралган барча маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар бўлмаса, унга қайта сўровнома юборилиши мумкин.

Расмий экспертиза сўровига жавоб олинмаган, жавоб бериш учун белгиланган муддат бузилган ва бу муддат ичida уни узайтириш ҳақидаги илтиноснома тақдим этилмаган бўлса, талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисида қарор юборилади.

75. Талабнома материаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлган, шунингдек сўралган маълумотлар талабнома берувчи томонидан ўз вақтида

тақдим этилган бўлса, талабнома топширилган сана белгиланади ва талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан ушбу санадан эътиборан талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганилиги тўғрисидаги қарор юборилади.

Бунда, талабноманинг кўриб чиқишга қабул қилинганилиги тўғрисидаги қарорда талабнома берувчи Қонун ва ушбу Қоидаларда кўзда тутилган бошқа маълумотлар ва/ёки хужжатларни тақдим этишига зарурият бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзув киритилиши мумкин.

76. Агар расмий экспертизанинг такрорий сўровномасига ҳам талабнома берувчи томонидан тақдим этилган жавобда сўралган маълумотлар ва/ёки хужжатлар бўлмаса, Давлат муассасаси томонидан талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

77. Талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорда бундай қарорни қабул қилиш учун асослар кўрсатилади.

### **3-§. Талабнома берилган белгининг экспертизаси**

78. Товар келиб чиқкан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини беришда талабнома берилган белгининг экспертизаси ўтказилиб, бунда унинг Қонуннинг 6 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Талабнома берилган белгининг экспертизаси натижалари бўйича Давлат муассасаси томонидан товар келиб чиқкан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ёки товар келиб чиқкан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор ёхуд аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини бериш ёки ундан фойдаланиш ҳукуқини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

79. Талабнома берилган белгининг экспертизаси кўриб чиқишга қабул қилинган талабномалар бўйича расмий экспертиза ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

80. Талабнома берилган белгининг экспертизасини ўтказиш давомида қўйидагилар текширилади:

а) талабноманинг ўзи ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг мазмуни ва расмийлаштириш тартиби ушбу Қоидаларнинг 5 — 25-бандлари билан талабнома ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги, бундан текшируви расмий экспертиза давомида амалга ошириладиган талабнома ҳужжатлари мустасно (ушбу Қоидаларнинг 70 — 73-бандлари);

б) талабнома берилган белгининг Қонуннинг 5 ва 11-моддаларида унга нисбатан ўрнатилган талабларга мувофиқлиги;

в) талабнома берувчининг кўрсатилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва бошқа омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги ва мазмuni;

г) агар талабнома берилган белги товар келиб чиқкан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, товарни белгилаш учун товар келиб чиқкан

жой номидан фойдаланиш ҳуқуки берилиши сўралаётган товарга хос алоҳида хусусиятлар тавсифининг Реестрдаги маълумотларга мувофиқлиги.

81. Талабнома берилган белгининг Қонуннинг 5-моддасида товар келиб чиқкан жой номига нисбатан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлашда қўйидагилар текширилади:

а) талабнома берилган белгининг жўғрофий обьектнинг замонавий расмий номига ёки тарихий номига мувофиқлиги (ушбу Қоидаларнинг 5-бандини эътиборга олган ҳолда);

б) талабномада номи товар келиб чиқкан жой номи сифатида келтирилаётган жўғрофий обьектнинг чегаралари айнан ўша ерда жойлашганлигини тасдиқлайдиган маълумотларнинг мавжудлиги;

в) талабнома топширилган санада жўғрофий обьект номи ушбу жўғрофий обьектнинг табиий шароитлари ва/ёки бошқа омиллари билан белгиланган алоҳида хусусиятларига эга бўлган товарни аниқлаштириш учун қўлланадиган белги сифатида мавжудлиги;

г) агар жўғрофий обьектнинг номи аввал товарни индивидуаллаштириш учун қўлланган бўлиб, бироқ талабнома топширилган вақтга келиб товарнинг ҳақиқатдан ҳам келиб чиқкан жойи ва алоҳида хусусиятларини кўрсатувчи дастлабки қобилиятини йўқотган бўлса, бу ҳолда у Ўзбекистонда тайёрланиш жойи билан боғлик бўлмаган маълум турдаги (тур тушунчаси) товарнинг белгиси сифатида умумистеъмолга кирган белги деб ҳисобланиши;

д) товар келиб чиқкан жой номи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш сўралаётган товарнинг кўрсатилганлиги (бунда, у ишлаб чиқарилган жой (жўғрофий обьект чегаралари) кўрсатилади);

е) товарнинг алоҳида хусусиятлари тавсифининг мавжудлиги ва уларнинг тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқлиги.

82. Ваколатли ташкилотлар томонидан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларнинг мазмуни текширилаётганда, уларда қўйидаги маълумотларнинг мавжудлиги аниқланади:

а) талабнома берувчининг, номи товар келиб чиқкан жой номи сифатида талабнома берилаётган жойда эканлиги;

б) талабномада кўрсатилган товарнинг талабнома берувчи томонидан, номи товар келиб чиқкан жой номи сифатида талабнома берилган жой ҳудудида ишлаб чиқарилганлиги;

в) талабнома берувчи томонидан ишлаб чиқариллаётган товарда талабномада кўрсатилган жўғрофий обьектнинг тамомила ёки асосан табиий шароитлари ва/ёки бошқа омиллар туфайли эга бўлган алоҳида хусусиятларнинг мавжудлиги.

83. Товарнинг алоҳида хусусиятлари тавсифи ваколатли ташкилот томонидан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатга мувофиқ бўлиши ва ушбу ҳужжат талабномага Қонуннинг 9-моддаси учинчи қисмида кўзда тутилган ҳолда илова қилинган бўлиши лозим.

84. Талабнома ҳужжатлари Қонунда ўрнатилган талабларга мос келма-

ган холларда, талабнома берувчига аниқланган камчиликлар кўрсатилган сўровнома юборилиб, унда сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида етишмаган ёки тузатилган ҳужжатлар ва/ёки маълумотларни тақдим этиш таклиф қилинади.

85. Талабнома берувчига сўровнома юбориш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин:

а) талабнома берилган белгини аниқлаш зарурияти;

б) ушбу Қоидаларнинг 7, 21, ва 22-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурияти;

в) товар келиб чиққан жой номини ва ундан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш сўралаётган товар турини аниқлаш зарурияти;

г) товар келиб чиққан жой номини ва ундан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш сўралаётган товарнинг ишлаб чиқарилаётган жойини аниқлаш зарурияти;

д) талабномада кўрсатилган товарнинг алоҳида хусусиятлари тавсифини аниқлаш зарурияти;

е) ушбу Қоидаларнинг 80-банди «в» кичик бандида кўрсатилган маълумотларга, хусусан товарда алоҳида хусусиятлар мавжудлигини, уларнинг талабномада кўрсатилган жўпрофий обьектга хос табиий шароитлар ва/ёки бошқа омилларга боғлиқлигини тасдиқлайдиган маълумотларга аниқлик киритиш зарурияти.

86. Ушбу Қоидаларнинг 85-бандида кўрсатилган асосларга кўра талабнома берувчига юборилаётган сўровномага, шу жумладан талабномани кўриб чиқишида пайдо бўладиган бошқа турдаги саволлар ва таклифлар ҳам киритилиши мумкин.

Талабнома берилган белгининг экспертизаси бўйича сўровномада бирон-бир савол келтирилганда у Конун ва ушбу Қоидаларга асосланган бўлиши лозим.

87. Талабнома берилган белгининг экспертизаси сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар ушбу Қоидаларнинг 94 — 97-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

88. Агар талабнома берувчи сўровномада сўралган материалларни ёки уларни тақдим этиш муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани ушбу Қоидаларда белгиланган муддатда ва шартларга риоя қилган ҳолда тақдим этмаса, талабнома чақириб олинган деб хисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчига хабарнома юборилади. Бунда, талабнома бўйича иш юритиш тўхатилилади.

Мазкур Қоидаларнинг 55 — 59-бандларига асосан ўтказиб юборилган муддат Давлат муассасаси томонидан тикланса, бу ҳолда иш юритиш давом эттирилади.

89. Талабнома берилган белгининг Конуннинг 5-моддасида белгиланган талабларга мувофиқлиги аниқланса, Давлат муассасаси томонидан товар ке-

либ чиқкан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

90. Талабнома берилган белгининг Қонуннинг 5-моддасида белгиланган талабларга мувофиқлиги аниқланган вактда, ушбу белгининг Реестрда рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги қайд мавжуд бўлса, Давлат муассасаси томонидан аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги қарор қабул қилинади.

91. Агар ўтказилган экспертиза натижасида талабнома берилган белги Қонуннинг 5-моддасида кўзда тутилган талабларга мос келмаслиги аниқланган бўлса, бу ҳолда Давлат муассасаси томонидан товар келиб чиқкан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёки товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

92. Агар ўтказилган экспертиза натижасида талабнома берилган белгининг Қонуннинг 5-моддаси ва 6-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган талабларга мос келмаслиги аниқланган вактда, ушбу белгининг Реестрда рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги қайд мавжуд бўлса, аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилинади.

93. Товар келиб чиқкан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишни ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рад этиш ҳақидаги қарорларда ушбу қарорларни қабул қилишга асос бўлган сабаблар келтирилади.

#### **4-§. Қўшимча материалларни текшириш**

94. Давлат муассасасининг сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материалларни текширишда уларни тақдим этиш учун белгиланган муддатларга риоя қилинганлиги текширилади.

95. Талабнома берувчи томонидан ўз ташаббусига кўра ёки Давлат муассасасининг сўровномаси бўйича тақдим этилган қўшимча материалларнинг талабнома моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади.

96. Қўйидаги холларда қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилади, агар уларда, жумладан:

а) тасдиқловчи хужжатларга кўра ушбу товар эга бўлмаган хусусиятлар кўрсатилган бўлса;

б) талабнома берилган белги товар келиб чиқкан жой номи учун мўлжалланган товарнинг номини ўз ичига олганда, бошқа товар (товарлар) кўрсатилган бўлса;

в) талабнома берилган белги ўзгартирилган ёки тўлдирилган бўлса;

г) товарлар рўйхати кенгайтирилган бўлса.

97. Қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилганда, талабнома берувчига экспертизанинг шундай хulosса чиқариши учун қўшимча материалларга киритилган қайси маълумотлар асос бўлганлиги маълум қилинади. Бунда, бошқа маълумотлар экспертиза ўтказишида хисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 7 декабрдаги  
21-мх-сон бўйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 52-сон «Товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқуқини бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1185, 2002 йил 1 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 21-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 17 октябрдаги 72-сон «Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқуқини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1185-1, 2007 йил 13 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 474-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 27-сон «Товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқуқини бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартирishлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1185-2, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 431-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**508** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-7*

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 30 августдаги ПҚ-365-сон «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионати фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 августдаги 445-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департamenti фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 2 ноябрь,  
503-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2023 йил  
2 ноябрдаги 503-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан  
махрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг  
ички тартиб қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 2-банд қўйидаги тахирда баён этилсин:

«2. ЖИЭМларга қўйидагилар киради:

жазони ижро этиш колониялари, шу жумладан даволаш хукуқи асосида-  
ги колониялар;

тарбия колониялари;

турмалар;

маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар.».

2. Қўйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«6<sup>1</sup>. Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар бемор маҳкумларни  
сақлаш ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.».

3. 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «тузалиш йў-  
лига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «тўртдан бир» деган сўзлар «учдан бир» деган сўз-  
лар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «учдан бир қисмини» деган сўзлар «ярмини» деган  
сўз билан алмаштирилсин.

4. 10-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирил-  
син:

«жазони ўташ даврида ЖИКнинг 112<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган тар-  
тибда манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказилган, шунинг-  
дек умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга қайтарилган маҳкумлар суд то-  
монидан бу хақда ажрим чиқарилган кундан эътиборан камида икки йил  
мобайнида;

манзил-колонияда жазони ўташ вақтида жиноят содир этган ва суд то-  
монидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога хукм қилинган  
маҳкумлар.»;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равища олтинчи — саккизин-  
чи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қўйидаги тахирда баён этилсин:

«ёпик турдаги тиббиёт муассасаларида маҳсус даволаниш талаб этилади-  
ган юкумли касалликларга чалинган беморлар.».

5. 12-бандда:

олтинчи хатбоши қўйидаги тахирда баён этилсин:

«пул ва қимматли буюмларни сақлашлари, улардан чекланмаган миқдорда фойдаланишлари мумкин;»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишдан бўш вактларида чекланмаган миқдорда телефон орқали сўзлашишлари, шу жумладан фотосуратга олиш, аудио ёки видео ёзиб олиш функциялари мавжуд бўлмаган ҳамда Интернет тармоғига уланиш имконияти бўлмаган уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш, посилка, йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин;»;

куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўз шахсий маблағлари ҳисобига харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотларидан ва йўқловлардаги маҳсулотлардан мустақил равишда овқат тайёрлашни амалга оширади.».

6. Қўйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-12<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«12<sup>1</sup>. Маҳкумларнинг уяли алоқа воситалари манзил-колония маъмурияти томонидан Маҳкумларнинг уяли алоқа воситаларини рўйхатга олиш журналида қайд этилади.

Уяли алоқа воситаларини қайд этиш учун қўйидаги хужжатлар илова қилиниши лозим:

маҳкумнинг манзил-колония бошлиғи номига телефон аппаратининг маркази, абонент рақами (SIM/RUIM-карта) тўғрисидаги аризаси;

агар абонент рақами маҳкумнинг қариндоши номига расмийлаштирилган бўлса, ушбу қариндошнинг абонент рақамидан маҳкум фойдаланишига розилиги тўғрисидаги ариза.

Манзил-колония маъмурияти томонидан Маҳкумларнинг уяли алоқа воситаларини рўйхатга олиш журналида қайд этилмаган уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

12<sup>2</sup>. Манзил-колонияси маъмурияти маҳкумлар томонидан фойдаланилаётган уяли алоқа воситаларининг маркалари, абонент рақамларини мунтазам равишда Маҳкумларнинг уяли воситаларини рўйхатга олиш журналида қайд этилган маълумотлар билан таққослаб боради.

Манзил-колонияси маъмурияти томонидан таққослаш учун уяли алоқа воситаларини тақдим қилиш сўралганда, маҳкумлар уяли алоқа воситаларини дарҳол тақдим этишлари шарт.

7. 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Маҳкумлар чекланмаган миқдорда қисқа муддатли учрашувлар, йил мобайнида йигирма тўрт марта узок муддатли учрашувлар олиш хуқуқига эга. Учрашувлар, қоида тариқасида, ишдан бўш вақтда берилади.

Манзил-колония худудида узок муддатли учрашув ўтказиш имконияти бўлмаса, учрашув маҳкумнинг аризасига биноан манзил-колония худудидан ташқарида, ушбу колония жойлашган туман (шахар) худудида ўтказилиши мумкин.

Узок муддатли учрашувлар колония бошлигининг ёрдамчиси-тезкор на-вбатчи (бундан буён матнда тезкор навбатчи деб юритилади) томонидан қайд этиб борилади.

Манзил-колония худудидан ташқарида ҳаракатланиш чегаралари маҳкум-

ларга тилхат олиниб, маълум қилинади ва тилхат уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Маҳкумларга мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда қатъий ҳисобда турувчи гувоҳнома берилади.».

8. 15-бандда:

мазкур банддаги «ундан ташқарида» деган сўзлар «манзил-колония жойлашган туман (шахар) ҳудудида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Манзил-колония ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи ЖК 73-моддаси тўртинчи қисмининг «в» ва «г» бандларида кўрсатилган маҳкумларга берилмайди».

9. 21-банддаги «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 25-банддаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваригача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 70,3 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 26-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«26. Маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

ўн иккита посилка ёки йўқлов;

ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.».

12. 29-банддаги «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 32-банддаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваригача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 52,7 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 33-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«33. Маҳкумлар йил мобайнида:

беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув;

саккиз марта телефон орқали сўзлашув;

саккизта посилка ёки йўқлов;

саккизта бандерол олиш ҳуқуқига эга.».

15. 37-банддаги «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 40-банддаги «энг кам иш ҳақи миқдори суммасигача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизигача бўлган суммага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 41-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«41. Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посилка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга.».

18. 45-банндаги «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 47-банндаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваригача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 87,9 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 48-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узок муддатли учрашув;

йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

ўн иккита посилка ёки йўқлов;

ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.».

21. Қуидаги мазмундаги 48<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:

«48<sup>1</sup>. Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади».

22. 52-банндаги «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 62-банндаги «I ва II гурӯҳ ногиронлари» деган сўзлар «I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 64-банндаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. 65-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«65. Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ҳамда йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва бир марта узок муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посилка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга.».

26. Қуидаги мазмундаги 67<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«67<sup>1</sup>. Маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш, зўравонлик, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-кимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди.».

27. 69-бандинг бешинчи хатбошиси «таржимоннинг» деган сўздан кейин «, шу жумладан сурдотаржимоннинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

28. Қуидаги мазмундаги 70<sup>1</sup>-70<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«70<sup>1</sup>. Оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра ЖИЭМда сақланаётган маҳкумлар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

70<sup>2</sup>. Маҳкум шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга.

Интизомий қисмга жўнаташга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг шахсий хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги ариза (хабар) билан

ЖИЭМнинг хар қандай ходимига оғзаки ёки ёзма равища мурожаат қилишга ҳақли. Маҳкумнинг аризасини (хабарини) қабул қилган ходим зудлик билан уни ЖИЭМнинг ёки органининг бошлиғига тақдим этади.

Маҳкумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги аризаси (хабари) маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги аризаларини (хабарларини) қайд этиш китобида ЖИЭМнинг масъул шахси томонидан рўйхатдан ўтказилади.

ЖИЭМ бошлиғи шахсий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги аризани (хабарни) олгандан сўнг маҳкумни хавфсиз жойга вақтинчалик жойлаштириши шарт.

ЖИЭМ бошлиғи шахсий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги аризани (хабарни) кўриб чиқади ва маҳкумга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида уч сутка ичидан қарор қабул қиласди. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда маҳкумга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор дарҳол қабул қилинади.

Маҳкум қабул қилинган қарор билан имзо қўйдириб таништирилади.

Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги ёки уларни қўллашни рад этиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичидан кўриб чиқилиши лозим.

ЖИЭМ бошлиғи маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган хавфсизлик чораларини қўллайди.

Хавфсиз жойга ўтказилган маҳкум жазони бу ерга ўтказилгунига қадар белгиланган сақлаш шароитларида ўтайди.».

29. Қўйидаги мазмундаги 89<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«89<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида ЖИЭМга монеликсиз киришга, зарур хужжатлар билан танишишга ҳақли.».

30. 90-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«90. Маҳкумларни кино-, фото-, видеотасвирга тушириш, улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги ва ЖИЭМ рухсатига асосан йўл қўйилади.

Маҳкумларнинг хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминловчи обьектларни тасвирга олишга эса, ЖИЭМ рухсати бўлган тақдирда йўл қўйилади.».

31. 93-банддаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

32. 100-банднинг биринчи хатбошидаги «нарса ва буюмлари ҳамда кийимлари» деган сўзлар «буюмлари ва кийимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

33. 101-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«101. Шахсий тинтув маҳкум билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.».

34. Қуидаги мазмундаги 101<sup>1</sup>-101<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«101<sup>1</sup>. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятлар, тақиқланган нарсалар ва буюмлар сақланаётганлиги хақида ахборот келиб тушган холларда, ЖИЭМнинг турар жойларини уларда маҳкумлар бўлганда тинтув қилишга йўл қўйилади.

101<sup>2</sup>. Тинтув ўтказиш чорида маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ва маҳсус воситалар қўлланилиши тақиқланади, бундан маҳкумларнинг тинтувни амалга ошираётган ходимга, бошқа маҳкумларга ёки ўзга шахсларга нисбатан файрихукуқий хатти-харакатларининг, шунингдек маҳкумлар томонидан ўзига ўзи заар етказишининг олдини олиш ҳоллари мустасно.».

35. VII боб 5-параграфининг номидан «ҳамда тинчлантириш қўйлаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

36. 108-банддан «(бундан бўён матнда тезкор навбатчи деб юритилади)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

37. 118-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«118. Жисмоний куч ишлатилиши натижасида маҳкумнинг ҳаёти ва соғлиғига заар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилади.».

38. 124-банд «ҳодиса ҳақида» деган сўзлардан кейин «дарҳол» деган сўз билан тўлдирилсин.

39. 125 — 128-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

40. 139-банддаги «молия бўлимига» деган сўзлар «молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

41. 146-банддаги «молия бўлимига» деган сўзлар «молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

42. 160-банддаги «молия бўлимига» деган сўзлар «молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

43. 161-банднинг бешинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсин: «маҳкумнинг умумий ўрта ва ўрта маҳсус, профессионал таълимга оид хужжатлари;».

44. 170-банддаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

45. 173-банддаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

46. VIII боб қуидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-параграф билан тўлдирилсин:

#### **«5<sup>1</sup>-§. Маҳкум овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган чоралар**

185<sup>1</sup>. Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда ЖИЭМ бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс бу ҳақда зудлик билан прокурорни хабардор қиласи.

185<sup>2</sup>. Овқат ейишни рад этадиган маҳкум имкон қадар бошқа маҳкумлардан алоҳида сақланади ва тиббиёт ходимининг кузатуви остида бўлади.

185<sup>3</sup>. Овқат ейишни рад этган маҳкумнинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбуров йўсинидаги (сунъий ва мажбурий овқатлантириш тарзидаги) чоралар, агар унинг ҳётига ёки соғлиғига хавф таҳдид солса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими ҳозирлигига амалга оширилади.

185<sup>4</sup>. Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги уни бошқа ЖИЭМга ўтказишга ёхуд тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида иштирок этиш учун бошқа ерга кўчиришга тўсқинлик қилмайди. Зарур ҳолларда, маҳкумни бошқа ерга кўчириш тиббиёт ходими кузатувида амалга оширилади».

47. 186-банднинг биринчи хатбоисидаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

48. 187-банддаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

49. 190-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«190. ЖИЭМ маъмурияти томонидан шахсан қабул қилинган маҳкумларнинг ҳисоби мазкур Қоидаларнинг 20-иловасига мувофиқ шаклдаги дафтарда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Жазони ижро этиш департamenti (бундан бўён матнда ЖИЭД деб юритилади) ва тегишли минтақавий мувофиқлаштириш марказларининг (бундан бўён матнда Минтақа деб юритилади) ходимлари томонидан қабул қилинган маҳкумларнинг ҳисоби эса алоҳида дафтарда қайд этилади ва улар ЖИЭМнинг девонхона котибida сақланади.».

50. 197-банднинг иккинчи хатбоисидаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

51. 198-банднинг иккинчи хатбоисидаги «молия бўлимига» деган сўзлар «молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

52. 200-банддаги «энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорининг ўн фоизигача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3,6 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

53. 202-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«202. Бир ой давомида сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий сумаси қўйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

умумий тартибли колонияларда — белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,06 бараваридан;

қаттиқ тартибли колонияларда — белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 87,9 фоизидан;

максус тартибли колонияларда — белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 70,3 фоизидан;

турмаларда — белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 52,7 фоизидан;

тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гурух ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ҳамда ЖИЭМдаги болалар уйида болалари бўлган аёллар учун — белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 120 фоизидан.

Ушбу бандда белгиланган миқдордан ортиқча пулга маҳкумлар тиббий хулоса асосида қўшимча равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек кийим ва пойабзал сотиб олиш хуқуқига эга.».

54. 203-баннадаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизигача, манзил-колонияларда эса — тўлиқ миқдоригача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 17,6 фоизигача, манзил-колонияларда эса — 35,2 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

55. 222-баннадаги «ногиронларининг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

56. 230-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«230. Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари бундан мустасно.».

57. 241-баннда:

биринчи хатбошидаги «(омбудсман)» деган сўз «(омбудсманнинг)» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурор ёки суд номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичидаги тегишлилиги бўйича жўнатилади. Хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоятлар тегишлилиги бўйича дарҳол жўнатилади.».

58. 243-баннадаги «туркум бошликлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

59. 252-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«252. Маҳкумлар қариндошлари билан ёки ЖИЭМ бошлигининг рухсатига асосан бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув олиши мумкин.».

60. 257-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«257. Юқумли касалликларга чалинган ва стационар даволанишда бўлган маҳкумларга учрашувлар шифокор рухсати билан берилади.».

61. 262-баннинг биринчи хатбошидаги «ЖИЭББ» ва «ЖИЭБ» деган сўзлар тегишли равишида «ЖИЭД» ва «Минтақа» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

62. 264-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«264. Маҳкумнинг илтимосига кўра узок муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилади.

Маҳкумлар учун масофали видео-учрашувлар ЖИЭМ томонидан ташкил этилади. Масофали видео-учрашув ҳимояланган алоқа каналлари орқали видеоконференция тизими воситасида амалга оширилади.».

63. 268<sup>1</sup>-баннинг биринчи хатбошидаги «ЖИЭББга» деган сўз «ЖИЭДга» деган сўз билан алмаштирилсин.

64. 272-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«272. Маҳкумларга телефон орқали сўзлашувлар хуқуки берилади.

Умумий, қаттиқ, маҳсус тартибли колонияларда, тарбия колонияларида, турмаларда ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда жазони ўтаётган маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари ЖИЭМ маъмурияти назорати остида ўтказилади ҳамда уларнинг хақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварафидан тўланади.».

65. 274-банндаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

66. 298-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«298. Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичida тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияда сақланаётганларга эса, ишдан бўш вақтда ЖИЭМ ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашишига ўзининг шахсини, қариндошлигини ёки васийлигини (ҳомийлигини) тасдиқловчи хужжатларини тақдим этган тақдирда битта яқин қариндоши ёки васий (ҳомий) кузатувида йўл қўйилади.

Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашувлари ЖИКда белгиланган учрашувларга қўшиб ҳисобланмайди.

Маҳкума аёлларнинг ЖИЭМдан ташқаридаги болалар уйларидағи вояга етмаган болалар билан учрашувлари маҳкума аёлларнинг илтимосига қўра амалга оширилади.».

67. 299-банндаги «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

68. 307-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«307. Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини ЖИЭМ қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳақли.».

69. 310-банндаги «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

70. 312-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«312. Маҳкумлар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисослиги ҳисобга олинган ҳолда ишлаши керак. Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан, ЖИКда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибиға солинади.».

71. 313-бандинг биринчи хатбошисидаги «ЖИЭМларнинг корхоналарида» деган сўзлар «ЖИЭМ ва улар ташкилотларининг корхоналарида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

72. 315-банндаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

73. 323-банндаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

74. 331-банддаги «ногиронларининг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

75. 337-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«337. ЖИЭМларнинг маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатла-ри ижтимоий солик бўйича солик солиш объектидир.

Ижтимоий солик тўланган давр маҳкумларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб хисобланади.

ЖИЭМ маъмурияти маҳкумнинг жазони ўташи даврида солик тўланган-лиги ҳақидаги маълумотномани:

маҳкум ЖИЭМдан озод қилинишидан камида уч иш куни олдин Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимiga электрон тарзда юборади;

ЖИЭМдан озод қилинаётганида маҳкумга қофоз шаклида беради.

Маҳкумларга тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилин-ган вактда тўхтатиб турилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар мустасно.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар пенсияни қонунчи-ликда белгиланган тартибда олиши мумкин.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида-ги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсия суммаларини маҳкумларнинг шахсий хисобва-рақларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳкумлар жазодан озод бўлганларидан сўнг қонунчилик хужжатларига мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлади.».

76. 344-банддаги «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

77. 352-банддаги «ЖИЭББ» ва «ЖИЭББГа» деган сўзлар тегишли ра-вишда «ЖИЭД» ва «ЖИЭДга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

78. 362-банднинг тўртинчи хатбошиси «аёллар» деган сўздан кейин «, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

79. Қўйидаги мазмундаги 363<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:

«363<sup>1</sup>. I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган умумий туар жойлар маҳсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланади.».

80. 364-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«364. Маҳкумларга организмнинг энергияга ва озуқавий моддаларга бўл-ган физиологик эҳтиёжини таъминлайдиган овқат қонунчиликда белгилан-ган тартибда республика бюджети хисобидан берилади, бундан манзил-коло-нияларда жазони ўтаётганлар мустасно.».

81. 366-банддаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс-ларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

82. Қўйидаги мазмундаги 367<sup>1</sup>-367<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«367<sup>1</sup>. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган ҳомиладор аёлларга ва

эмизикли оналарга ишдан озод этилган даврида республика бюджети ҳисобидан овқат берилади.

367<sup>2</sup>. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, касаллиги туфайли ёки интизомий бўлинмага киритилиб ишдан озод қилинган маҳкумларга манзил-колонияларнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобидан овқат берилиб, овқатнинг қиймати кейинчалик маҳкумларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади.».

83. XV боб 5-параграфининг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-§. Маҳкумларни даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда сақлаш».**

84. 371-банндаги «мактабгача таълим муассасаларига» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

85. 382-банндаги «Ихтисослашган даволаш муассасаларида» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

86. 383-банндаги «Ихтисослашган даволаш муассасаларида» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

87. 384-банндаги «ихтисослашган даволаш муассасаси» деган сўзлар «даволаш ҳуқуқи асосидаги колония ёки маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона» деган сўзлари билан алмаштирилсин.

88. 385-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«385. Интизомий бўлинмаларда сақланаётган маҳкумлар ўзини қасдан жароҳатлаб ёки касалликка солиб, даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар ёки маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарга ўтказилган бўлса, уларнинг даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияда ёки маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонасида бўлган вақти интизомий жазони ўташ муддатига киритилмайди.».

89. 386-банндаги «Ихтисослашган даволаш муассасаларидан» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар ёки маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

90. 391-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«391. Ногиронликни белгилаш ва меҳнат қобилиятини йўқотганлик дарражасини аниқлаш маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда қонунчилик хужжатларига мувофиқ тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади.».

91. 392-банндаги «Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси» деган сўзлар «Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

92. Қўйидаги мазмундаги 399<sup>1</sup>-399<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«399<sup>1</sup>. ЖИЭМда жазони ўтаётган маҳкумларнинг тузалиш ўёлига ўтганилиги ЖИКнинг 102<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан харчорак якунларига кўра қўйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

маҳкумнинг меҳнатга виҷданан муносабатда бўлиши, белгиланган

мехнат нормаларини бажариши, онгли равиша мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланганлиги, ўқишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиши;

маҳкумнинг ЖИЭМда ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлардаги иштироки, унинг ташаббуси, бошқа маҳкумларга ибрат бўлишга интилиши;

маҳкумнинг ЖИЭМда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя этиши, маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги, унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

399<sup>2</sup>. Маҳкумни тузалиш йўлига ўтган ёки ўтмаган деб топиш тўғрисидаги хulosса ЖИКнинг 102<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан расмийлаштирилади ва маҳкумнинг шахсий йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Комиссия томонидан тузалиш йўлига ўтмаган деб топилган маҳкумлар билан тарбиявий-профилактика ишлари муассаса психологини жалб этган ҳолда алоҳида режа асосида амалга оширилади.

Тузалиш йўлига ўтмаган деб топилган маҳкум комиссиянинг хulosаси устидан ЖИКнинг 107-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилишга хақли».

93. 401-банддаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

94. 403-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«403. Маҳкумлар ишдан бўш соатларда, тунги дам олиш учун ажратилган вақтдан ташқари, кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриш, радио эшитиришлар эшитиш ҳуқуқига эга.».

95. 409-бандан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

96. 418-банддаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

97. 422-банддаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

98. 423-банддаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

99. 424-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«424. Маҳкумларга нисбатан ЖИКнинг 97<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмida назарда тутилган мезонлар асосида қўйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:».

100. Қўйидаги мазмундаги 425<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:

«425<sup>1</sup>. Маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳар йили камида икки марта, шунингдек байрам кунлари муносабати билан кўриб чиқилади.».

101. Қўйидаги мазмундаги 426<sup>1</sup>-426<sup>2</sup>-банлари билан тўлдирилсин:

«426<sup>1</sup>. Маҳкумларни рағбатлантириш масалалари, шу жумладан қўлланилаётган рағбатлантириш чораларининг ЖИКнинг 97<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмida назарда тутилган мезонларга мувофиқлиги ЖИЭМда тузилган комиссия томонидан кўриб чиқилади ва улар бўйича хulosса қабул қилинади.

Комиссия ЖИЭМнинг ходимлари, шунингдек жамоатчилик вакиллари орасидан камида саккиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Комиссия таркибига жамоатчилик вакилларидан, қоида тариқасида, халк депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) минтақавий вакиллари, ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат ташкилотларининг ҳаётий тажрибага ва ахоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган вакиллари киради.

Жамоатчилик вакиллари комиссия аъзолари умумий сонининг ярмини ташкил этиши керак. ЖИЭМ бошлиғи комиссиянинг раиси ҳисобланади.

426<sup>2</sup>. Маҳкумни рағбатлантириш учун тавсия этиш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва комиссия аъзоларига тақдим этиш отряд бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Комиссия мажлиси ЖИК 102<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлардан бир ҳафта илгари ўтказилади.

Комиссия аъзолари рағбатлантириш учун тавсия этилган маҳкум билан унинг хулқ-атвори белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан сұхбат ўтказади.

Комиссия қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан, очик овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, маҳкумни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Комиссия қарори мажлисда хозир бўлган комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган баённомасига мувофиқ ЖИЭМ бошлиғи нинг буйруғи уч иш куни ичидаги чиқарилади ва унинг мазмуни маҳкумга эълон қилинади.».

102. 436-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«436. Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан қўйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

ҳайфсан;

енгиллаштирилган сақлаш шароитларини бекор қилиш;

навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш;

интизомий бўлинмага киритиб қўйиш».

103. 437-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«437. Маҳкумлар қўйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилмайдилар:

мехнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу маҳкумнинг меҳнатдан бўйин товлашнинг оқибати бўлмаса,

маҳкум руҳий ҳолати бузилишининг бевосита оқибати ҳисобланган бирор-бир қоидабузарлиги учун.

Агар маҳкум қўйидаги ҳаракатлардан бирини содир этса, меҳнатдан бўйин товлаган деб ҳисобланади:

узрли сабабларсиз ишга чиқмасликни ёки ишга бир ой ичидаги иккиси ваундан ортиқ марта кечикиши;

иш вақти давомида иш жойини узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан тарк этишини ёки ишлаб чиқариш вазифаларини қасдан бажармасликни ёхуд бажаришни рад этишини.».

104. 441-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазо чораси жазони ўташ тартибини биринчи марта бузган маҳкумларга нисбатан қўлланилмайди, бундан жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш мустасно».

105. Қўйидаги мазмундаги 441<sup>1</sup> — 441<sup>4</sup>-бандлари билан тўлдирилсин:

«441<sup>1</sup>. Навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш тариқасидаги интизомий жазо чораси қўлланилганда ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ой ичидаги маҳкум биринчи навбат билан келадиган учрашуви (қиска муддатли ёки узоқ муддатли)дан маҳрум этилади.

Интизомий жазо чораси сифатида навбатдаги учрашувдан маҳрум қилинганда, маҳкумга учрашувлар унинг йил мобайнида олиши мумкин бўлган учрашувлар туридан келиб чиқиб, ўн иккиси ойга бўлганда хосил бўладиган даврни ҳисобга олиб, интизомий жазо чораси сифатида маҳрум қилинган учрашувдан ташқари, навбатдаги учрашув тақдим этилади.

441<sup>2</sup>. Маҳкумларга навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини йилига иккиси маротабадан қўп қўллаш тақиқланади.

441<sup>3</sup>. Жазони ўташ тартибини камидаги иккиси марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган бўлса, сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб ҳисбланади.

ЖИЭМ ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ўн иккиси соатдан кўпроқ муҳлат мобайнида ташлаб кетган маҳкум ҳам манзил-колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилади.

441<sup>4</sup>. Сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумларга нисбатан судга қўйидагилар тўғрисида тақдимнома киритилади:

манзил-колониядан умумий тартибли колонияга, умумий, қаттиқ ёки маҳсус тартибли колониялардан — турмага ўтказиш тўғрисида;

манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан — маҳсус тартибли колонияга, колониядан — турмага қайтариш ҳақида.

Тақдимнома ЖПКнинг 537-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.».

106. 454-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақи миқдори-нинг етмиш беш фоизигача» деган сўзлар «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

107. 458-банддаги «режим» деган сўз «сақлаш режими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

108. 463-банднинг иккинчи хатбоисидаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

109. 469-банддаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

110. 470-банднинг иккинчи хатбоисидаги «бекор қилиш» деган сўзлар «бекор қилиш, навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

111. Қуйидаги мазмундаги 473<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«473<sup>1</sup>. Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш ма-саласини маъмурият томонидан қайта кўриб чиқиш ЖИЭМ маъмуриятининг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этиш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан эътиборан уч ой ўтгач, башарти маҳкум тузалиш ўйлига ўтган бўлса, амалга оширилади.».

112. 474-банддаги «туркум бошлиқларига» деган сўзлар «ижтимоий ходимларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

113. 475-банддаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

114. 478-банддаги «туркум бошлиқлари» деган сўзлар «ижтимоий ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

115. 482-банднинг иккинчи хатбоисидаги «маҳкумларга мўлжалланган Республика ихтисослашган даволаш муассасасида» деган сўзлар «маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

116. 504-банднинг иккинчи хатбоисидаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

117. 505-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«505. Маҳкумларни озод этиш устидан назорат қилиш учун ЖИЭМнинг маҳсус бўлими озод этилиши лозим бўлган маҳкумларнинг ойлик рўйхатини тайёрлайди. Бу рўйхатнинг бир нусхаси молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига, иккинчи нусхаси эса маҳкумларни таништириш учун ижтимоий ходимларга берилади.».

118. 506-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«506. Озод этилаётган маҳкумга жазони ўташ муддати тугашига икки кун қолганида ҳисоб-китоб қилиш учун ЖИЭМ молия ва моддий-техника таъминоти бўлими томонидан тегишли варақа берилади. Мазкур варақа ЖИЭМ бошлигининг тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан имзолангач, тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига топширилади.».

119. 514-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«514. Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар ўз илтимосига кўра, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат ўйларига (пансионатларга) юборилади.».

120. 2-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

121. 7-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
122. 8-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.
123. 9-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «молия бўлимига» деган сўзлар тегишли равища «\_\_\_-сон», «молия ва моддий-техника таъминоти бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
124. 12-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
125. 13-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
126. 14-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
127. 15-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
128. 16-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
129. 18-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
130. 19-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «Умумий ва касб-хунар таълими» деган сўзлар тегишли равища «\_\_\_-сон», «Умумий ўрта ва профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
131. 20-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
132. 23-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
133. 24-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
134. 25-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
135. 26-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
136. 27-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
137. 28-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «Туркум бошлиқлифи» деган сўзлар тегишли равища «\_\_\_-сон», «Ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
138. 29-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «Туркум бошлиқлифи» деган сўзлар тегишли равища «\_\_\_-сон», «Ижтимоий ходим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
139. 30-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
140. 31-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «ижобий тавсифга эгалиги» деган сўзлар тегишли равища «\_\_\_-сон» ва «тузалиш йўлига ўтганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

141. 32-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

142. 34-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизи микдорида» деган сўзлар тегишли равишда «\_\_\_-сон», «мехнатга ҳақ тўлаш энг кам микдорининг 3,6 фоизигача бўлган микдорда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

143. 35-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

144. 36-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

145. 37-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_», «туркум бошлиqlари (тарбия-чилар)» деган сўзлар тегишли равишда «\_\_\_-сон», «ижтимоий ходимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

146. 38-илованинг матнидаги «УЯ-64/\_\_\_» деган сўзлар «\_\_\_-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**509 Кадастр йиғмажилдининг муковаси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шаклларини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3483*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ-447-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон «Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Кадастр йиғмажилдининг муковаси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шакллари иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 21 апрелдаги 3-2022-сонли «Кадастр йиғмажилдининг муковаси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3369, 2022 йил 20 май) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2022 й., 10/22/3369/0444-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 ноябрь,  
82-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 декабрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

*Келишиилди:*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

*2023 йил 1 ноябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 10 ноябрдаги 18-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

**2023 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3479.**

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги 602-сон «Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйи-сунувчанлик ва химоя-коровул кўнкимлари бўйича тайёрлаш учун пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек наслчилик питомнигида етиштирилган ва ички ишлар органларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда хизматга яроқсиз деб топилган итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

**2023 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3480.**

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги 601-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

**2023 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481.**

4. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 23 ноябрдаги МХ-16, 01/24-09-305 ва 88-сон «Бошоқлидон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган заарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-3.**

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 13 ноябрдаги 84-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи.

***2023 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-9.***

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 7 декабрдаги 21-мх-сон «Товар келиб чиқкан жой номини ва товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфи.

***2023 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3482.***

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги 503-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

***2023 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-7.***

8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 4 ноябрдаги 82-сон «Кадастр йифмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

***2023 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3483.*****II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 марта даги 52-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 3352, 2022 йил 9 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3352-1, 2022 йил 11 ноябрь).

***2023 йил 6 декабрда давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2282, 2011 йил 27 ноябрь), шунингдек унга ўзгартишлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2282-1, 2012 йил 5 сентябрь), (рўйхат рақами 2282-2, 2014 йил 8 июль), (рўйхат рақами 2282-3, 2014 йил 15 декабрь), (рўйхат рақами 2282-4, 2016 йил 6 июнь), (рўйхат рақами 2282-5, 2017 йил 26 июль), (рўйхат рақами 2282-6, 2019 йил 17 июнь), (рўйхат рақами 2282-7, 2019 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2282-8, 2020 йил 20 апрель).

***2023 йил 7 декабрда давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 52-сон «Товар келиб чиқкан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш хукуқини

бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1185, 2002 йил 1 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1185-1, 2007 йил 13 ноябрь), (рўйхат рақами 1185-2, 2011 йил 30 сентябрь).

*2023 йил 7 декабрда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**